



Ҷн еттинчи фасл. Амир Камариддин хаётининг баёни.

Айтиб ўтилганидек, амир Камариддин хокимиятга интиларди. Хар бир амир иложи борича, унга каршилиқ кўрсатишга ҳаракат қиларди. Шундай қилиб, қарайт уругидан Қучра ва Ўзбек Темур Амир Темурга яқинлашиш йўлини қидирдилар, кейин тагин душманлик қўзи билан қарадилар. Амир Темур уларга қарши лашқар тортди, ўзи эса вилояти ҳудудида қолди, лашқар билан амир Баҳром қалойирни, Қитой баҳодирни ва Шайх Али баҳодирни жўнатди. Алматы қегарасига етишганда, Ойша Хотун дарёси бўйида қарайт уруги одамлари билан жанг бўлди. Жангдан сўнг улар сулҳ тузишиб, Амир Темур қошига қайтишди; у бу сулҳни маъқулламади ва ўзи ўша тарафга жўнади. Бу воқеалар «Зафарнома»да шундай қелтирилади: «Дарҳақиқат, Аллох таоло ҳимматларнинг баландроғини маъқул қўради, пастроғини ёмон қўради, деган ҳикматга биноан Қазрат Соҳибқироннинг ҳимматлари шу қадар улуг эдики, бирор ишни бошласа, охирига етказмагунча қўймас эдилар, бинобарин, жанг майдонини сулҳга алмаштириб, душманга нисбатан муросасозлик қилган амирлар хатти-ҳаракатини рад этди».

Назм:

Айёр тулки – ит агар жангдан товласа бўйин,

Шер билан сулҳ йўлини изласа: аниқ ўйин.

Шу боисдан Қазрат олийлари ўша ёққа жўнашга қатъий қарор қилди. Қамма ёққа лашқар тўплаш ҳақида фармонлар жўнатилди, қамма ёқда қолиб аскарлар ҳаракатга қелишди.

Назм:

Шоҳ қошида бўлди қам қатта лашқар,

Қар бириси майдон қўрган, қам музаффар.

Сон-санокда қўл қумидан улар қўпроқ,

Жангда улар душманқирар арслонсиёқ

Бир лашқарқи, қулдуракқи булутлардек,

Жанг қайтида ҳужумқордир бургутлардек.

Шу лашқарни баҳтиёр шоҳ этди равон,

Саногқи: қўл қуми, дарахт барқисимон.

Лашқар тоғи жунбуш қилиб борар йўлда,

Қизгинлиғи тоғни ўртар ўнгу сўлда.

Соҳибқироннинг қолибона байроғи Сайрам ва Ёнғи орқали эсон-омон ўтиб, Қазрат

Мухаммад (с.а.в) табарруқ оила ва авлодларига муҳаббати қамда эътиқодининг ҳосияти

ва баракотидан каромат топиб шаҳарга кирди.

Душманлар Хазрат Соhibкироннинг келганларидан хабар топган замон пароканда бўлиб кочишди. Хазрат олийлари кўп сонли лашкари билан душман ортидан Секиз Ёгочгача борди. Музаффар лашкар кўплаб асир ва сон-саноксиз ўлжани кўлга киритди; Соhibкирон лашкари хадсиз-хисобсиз ўлжаларни олиб Яратганнинг панохида қайтиб келди. Адун Кузи деган манзилда Хазрат Соhibкироннинг неча марталаб лутфу эхсонларидан бахраманд бўлган амир Мусо ва Зинда Чашм яна кингир ишларини бошладилар. Хизр Ясурийнинг ўгли Абу Исхок билан ахдлашиб, Хазрат Соhibкирон Каросмон деган манзилга етиб келган захоти уни ов махали хийла билан тутишга онт ичдилар – аммо ақл улар устидан кулди.

Назм:

Ёмонлик согинма, забардаст арслон

Тулкига алданиб колмас ҳеч қачон.

Хонзода Абулмаоли Термизий билан Шайх Абу Лайс Самаркандий Соhibкиронга қаршилиқ қилиш учун аввалдан қелишиб олишган бўлиб, улар билан иттифок тузишди. Кимдир буни билиб қолиб, Хазратга дархол етказди. Уларни тутиб келтирмоқлик буюрилди. Хаммасини тиз чўқтириб, сўрок қилинди ва уларнинг сотқинликлари қош бўлди.

Махди Олия Сароймулкхоним амир Мусонинг жияни бўлгани ҳамда поклик ва улуглик пардасининг мастураси Акабеги унинг ўғлига унаштирилгани боис Хазрат Соhibкирон унга: «Сен жиноят қилган бўлсанг-да, иккимизнинг орамизда қариндошлиқ риштаси бор, шунинг учун мен сени афв этаман» деди.

Назм:

Соқолинг оқию қондошлиқ хақи

Сенга тирикликка берилди ҳуқуқ.

Йўкса ушбу разил қилмишинг учун

Бошингни қесишга берардим буйруқ.

Хонзодага айтдики: «Сенинг насл-насабинг хазрати пайгамбаримиз (Аллох уни ва бутун авлод-аждодини ўз раҳматига олсин)га бориб такалгани туфайли зинҳор-базинҳор ҳаётингга ёмонликнинг гарди тушишига йўл қўймайман. Агар ўзбошимчалигингни ташламайдиган бўлсанг, яхшиси бу вилоятдан чиқиб кетганинг маъқул». Шайх Абу Лайсга эса ҳажга кетишни буюрди. Хизр Ясурийнинг ўгли Абу Исхок амир Сайфиддиннинг қайноғаси бўлганлигидан унинг илтимоси ва ён босиши туфайли у хавф-хатардан қутулиб қолди ҳамда у қилган жиноят излари хоннинг марҳамати билан ювиб юборилди.

Зинда Чашми боғлаб, Самарқандга олиб бориш ва зиндонда сақлаш ҳақида қатъий буйруқ берилди.

Назм:

Ёв ўлик ё маҳбус бўлгани яхши,

Ва ёхуд бутунлай ўлгани яхши.

Зотан мустаҳкам тугунларни ечадиган ва тўғри йўлни кўрсатадиган зийрак ақл эгаларига аёнқи, илонни қўйинда асрамоқ ва душманни дўст деб ҳисобламоқ ақлга тўғри қелмайдиган ишдир.

Назм:

То тишлари синдирилмаса,

Тавба қилмас бўри ҳеч қачон.

Токи боши янчилмагунча

Захар солар албатта илон.

Хазрат Сохибкирон ўз юрти Самаркандга қайтиб келгач, Шибургон ҳокимлигини – Зинда Чашмнинг ўрнини Ок Буганинг ўгли Баён Темурга берди.

Назм:

Шохнинг саодатин бок, неларни ёрлик этар:

Подшоҳдан тортиб олиб, бандага тортик этар.

Ўн саккизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Хазрат Сохибкироннинг учинчи марта Мўғулистонга юришининг баёни.

Хижрий 776 йил шаъбон ойининг бошида пайшанба куни (5 январь 1375 йил) Хазрат Сохибкирон кўшин жамлаб, икки олам сарварининг мададига суяниб, Мўғулистон сари юриш бошлади. Улар Работи Катагонга келиб тушишганда тўсатдан куёш қора булутлар ортига яширинди, ҳаво совуб кетди. Шохнинг олтин-қумушларни сочувчи кўлидан сабоқ олган булут ерга бетўхтов ёмгиру қорни тўка бошлади.

Назм:

Катта тушган бундайин қорни

Кўрмагандир инсон ҳеч қачон.

Қорни улкан бир одам десак,

Олам – унинг оғзидаги нон.

Улкан тоғлар қорлар олдида

Пахтадаги бир чигитсимон.

Аёз шу қадар қаҳрига олдики, ҳар қандай баҳодир ҳам қучсиз бўлиб қолди, на олиш-беришга қўл қимирлайди, на борди-қелдига оёқ жойидан жилади. Одамларнинг хатто отларга қарашга ҳам қучлари етмай қолди. Шу тахлит кўплаб одамлар ва отлар нобуд бўлди. Хазрат Сохибкироннинг уларга раҳми қелиб, у жойдан кетди.

У совуқ чекингунга қадар икки ой Самаркандда бўлди. Сичқон йилининг бошига тўғри қеладиған шаввол ойининг биринчи куни, душанбада (20 март 1375 йил) қайтадан Мўғулистонга томон жўнади. Шахзода Жаҳонғирни ҳужумчи қисм сифатида олдинда жўнатди, Шайх Мухаммад Баён сулдузни ва Баҳром жалойирнинг ўғли Одилшоҳни шахзода мулозимлари сафига қўшди. Хазрат Одилшоҳга отасининг ўлиmidан кейин жалойир уругини бошқариш вазифасини юқлаган эди. Шахзода гуруҳи Сайрамдан ўтиб, Жорун манзилига етишганда, улар мўғулга мансуб битта одамни тутиб, Сохибкирон қошига жўнатишди. Ўша одамдан дўғлат қавмидан Камариддиннинг ахволини суриштиришганда у: «Камариддин ўз лашқарини йигиб Кўктепа деган жойда Хожибекни кутиб турипти. Сизнинг лашқар тортиб қелаётганингиздан хабари йўқ», деди.

Сохибкирон ҳужумчи қисмнинг тўхтовсиз олдинга қилжишини буюрди ва ўзи ҳам шошинч уларнинг ортидан йўлга тушди. Камариддин даҳшатли лашқарнинг хабарини эшитгач, у ерда ортик қололмади. Чикиш қийин Аргашлар деган жойга яширинди. У

ернинг учта чукур унгури бўлиб, у ердан учта катта дарё окиб ўтарди. Камариддин лашкари билан икки унгурдан ўтиб, учинчисида тўхтади, кириш йўлларини бекитди ва сокчилар қўйди. Шахзода Жаҳонгир душманни асир олишга, мамлакатни забт этишга кодир лашкарини йигиб, ногораю карнай садоларини осмонга ўрлатиб, унинг устига ташланди. Баходирлар жунбушга келишди, ёйлардан ўқлар визиллаб учди. Шу тахлит улар ўз кудратларини намойиш қилгач, душман рўпарасида тўхташди. Ўқлар билан етиб келган хабар Камариддин лашкарининг миясига ўрнашгач, лашкар кеча коронгусида қочишга тушди, хуллас, эртасига у ерда мўгул лашкаридан бирон зот қолмади. Довюрақ баходирлар уларнинг кетидан қувиб бориб қўпларини ер тишлатишди.

Тонг отганда Ҳазрат Соҳибкирон қолган лашкари билан етиб келди. У душман ортидан амир Саид Довуд, Хусайн ва Учқора баходирни жўнатди. Фармонга биноан, улар Ила дарёси оқими бўйлаб кетишди. Хусайн дарёга чўкиб, хаёт шами сўнди. Қолган беклар душман лашкарига етиб олиб, уларни тор-мор қелтиришди, талашди, қўпгина ўлжалар, моллар тушди. Уларга эл бўлган хазораларни қўчириб, Самарқандга жўнатишди.

Ҳазрат Соҳибкирон душманга юзма-юз келиш мақсадида Пайтак деган жойгача борди ва шахзода Жаҳонгирни бир гуруҳ голиб жангчилар билан амир Камариддинни излаб топиб, қўлга олиш учун жўнатди. Фармонга биноан, шахзода лашкар билан бориб, Учфармон мавзеида ўрнашиб олган мўгул хазораларини яқсон қилди. Камариддиннинг тоғларда эканлигини билиб, унинг изига тушишди. Уни ўз қавмидан ажратиб ташлаб, барча манзил ва мавзеларни тор-мор қилишди ва амир Шамсиддиннинг хотини Туман Оғони ва уларнинг кизи Дилшод Оғони қўлга туширишди. Шахзода чопар орқали буларни Ҳазрат Соҳибкиронга хабар қилди. Ҳазрат Соҳибкирон эллик уч кун ўша жойда, яъни Пайтакда тўхтаб қолган эди. Бу қувончли хабар унинг муборақ қулогига етгач, у ердан жўнаб, Қорақасмоққа келди. Шахзода Жаҳонгир эсон-омон ўша жойга қайтиб келиб, хазрати олийларининг оёқларини ўпишга мушарраф бўлди. У шохга асирларни, ўлжа олинган от ва қўйларни тортик қилди. Дилшод Оғо Соҳибкирон гиламини ўпиш бахтига муяссар бўлди.

Назм:

Мудом дилшод бўлсин ул Соҳибкирон,

Унга қаниз бўлсин Дилшоди замон.

Шахзода Жаҳонгир ёш бўлишига қарамай Ҳазрат Соҳибкирон қудратининг нури орқасида шундай катта ишларни қилишга эришди.

Назм:

Буюк Соҳибкирон шаъну шавкати:

Улугвор ишларга унинг даъвати.

Ҳазрат Соҳибкирон у ердан жўнаб, Отбошига келиб тушди, кейин Арпаёзи чўлига йўл олди. У ерда бир неча кунни айш-ишрат билан ўтказди. Хазора амирларидан Ҳазратни беҳад қадрлайдиган Муборақшоҳ макрит Соҳибкирон шарафига катта тўю тантана уюштириб, хар йўл билан унинг қўнглини топишга уринди. Назм:

Химмат камарини белга боғлади,

Улуг ҳукмдорнинг қўнглин чоғлади.

Соҳибкирон ҳам унинг бу хизматига тарбият ва иноят қўзи билан бокиб, ушбу юришда халок бўлган Хусайннинг мансаби ва мулкини унинг ўгли Худойдодга берди.

Ўн тўккизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Сохибкироннинг Дилшод Ого билан бўлган дабдабали тўйи баёни.

Аллох таоло демишки: «Сизлар учун никохи халол бўлган аёлларга, иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар» (4.3). Бинобарин, кодир Аллохнинг мархамати билан кўп хотинлик раво бўлган экан, «Уйланинглари ва кўпайинглари» деган рағбатга амал қилиб, Яратганнинг фармони билан шу муборак манзилда Сохибкиронга Дилшод Оғони никохлаб беришга жазм қилишди ва бу даргоҳ хизматкорлари тўй тадоригига киришдилар.

Назм:

Тузалди тўй базми ўта хашамдор,
Бу базми буюрган ўзи ҳукмдор.
Ажойиб базмда кўриб бу чирой,
Сукланиб боқарди қуёш билан ой.
Бу кун унга бахту давлат эди ёр
Тамошо қилишга жуда сазовор.
Жаҳонгирга тўйнинг бу базми билан
Никоҳ қилдилар шохлар расми билан.

Назм:

Бу саодат базмида бўлмок учун инжусочар,
Гўё осмоннинг улкан жомига тўлмишди зар.
Барча шод-хуррамлик билан Хазратни муборакбод этдилар. Шодиёна давра хаммани,
аслзодаю оддий фуқарони ҳам ўз бағрига чорларди. Айш-ишрат учун нима керак бўлса,
хаммаси бисёр эди, кўнгил нимани тиласа, орзу нигоҳи қаёққа тушса, хаммаси мухайё
эди.

Назм:

Ёшлиқ бутогида баҳор жилваси
Кузнинг захасини кўрмаган гуллар.
Ширин сўз соқийлар лутфан узатган
Заррин қадахларга узалар кўллар.
Бир ёнда май тўла қадах жаранги,
Бир ёнда шеър, кўшиқ, наво оханги.

Назм:

Юсуфчирой соқий чоҳга тушмайин,
Зухраю ой қаби балқирди майин.
Чолғучилар конун созини роҳат охангига созлаб, фароғат кўшигини базмда ой
салтанатидан Зухра қасрига етказишди:
Доимо бўлгай ул Сохибкирон шод,
Кўнгли хуррам, ўзи – ҳуш, юрти – обод.
Тўй ўтгандан сўнг у ердан кўчиб Ясси довонидан ошиб, Ўзгандда тўхташди. Улуғ малика
Қутлуг Туркон Ого ўз тобелари, нўёну амирлари билан Самарқанддан келиб,
Сохибкиронни кутиб олиб, хурмату эҳтиром бажо келтирдилар. Табриқ ва тухфалар

расмини адо этиб, базмлар уюштиришди.

Улар Ўзганддан чикиб, Хўжандга етишганда, Бахром жалойирнинг ўгли Одилшоҳ хизмат камарини белига боглаб, Соhibкирон шарафига зиёфат берди, учкур отлар тортик килди, кўринишдан унга астойдил хурмат кўрсатди, лекин дилида бошка нарса эди.

Зиёфат чогида у хоинликни кўнглига туккан эди. Аммо Соhibкиронни мудом Хак таоло ўз инояти билан кўллагани боис у бу маккорликни хис этди, йигиндаги вазиятни кузатиб, буларнинг тили бошка, дили бошка эканлигини сезгач, зиёфатдан чикди-да, отига миниб, ўз кароргохига кайтди.

Хазрат олийлари Камариддин сари йўл олган пайтда Шайх Мухаммад сулдуз, Одилшоҳ жалойир ва Туркан арлотлар тил бириктириб, иложи бўлса Соhibкиронни кўлга олишга келишиб кўйишган эди.

Назм:

Кимни панохида сакласа Худо,
Зарар етмас унга кимсадан асло.

Унга йўлбошчидир доим саодат,
Кимлар хасад килса, ўртанар факат.

Шу боисдан Хазрат Аллохнинг панохида эсон-омон кайтиб келди. Жангчиларни таркатиб юборди, ўзи эса Каршидан гарбга томон икки манзил нарида жойлашган Занжирсаройга бориб, ўша ерда кишлашга карор килди. Шу киш ичида Одилшоҳ Хазратнинг остонасини ўпишга келди. «Мана улар ўз гунохларини эътироф этдилар» (67.11) оятига мувофик тинчлик саройига келиб, ўз огзи билан Соhibкиронга ўша пайтдаги кингир хаёлларига икром бўлди. Хазрат Соhibкирон бу сўзларни эшитгач, ўз зукко ақлу тафаккури бирла буни тахлил килиб, ўзини ҳеч нарса эшитмаганга солди ва Одилшоҳга подшоҳона илтифотлар кўрсатди.

Киш охирлаб баҳор ўз жамолини кўз-кўз килганда, Хоразмга юриш килиш учун сон-саноксиз баходир лашкарлар Соhibкирон кароргохига тўплансин, деган фармони олий бўлди. Барча нўён ва амирлар ўз лашкарлари билан теvarак-атрофдан йигилиб келишди.

Назм:

Шоҳона саройга йигилди лашкар,
Лашкарки жанг кўрган баходир аксар.

Хазрат Соhibкирон Шайх Мухаммад сулдузни тутиб, унинг хоинлиги учун жазолашни буюрди. Сўроқдан сўнг унинг айби ошкор бўлди ва бахт куёши сўниб, хаёт риштаси узилди. Уни Хармалик сулдузнинг акасига топширишди, у Шайх Мухаммад сулдузнинг кариндоши бўлиб, унинг киличидан ажал топган эди. У Шайх Мухаммад сулдузга айни ўша ажал шарбатини ичириб, инисининг касосини олди ва мана бу хикмат магзини чакишга мажбур килди: «Йил давомида нимани сотган бўлсанг, бир кун келиб ўзинг шуни сотиб оласан». Шунингдек, Соhibкирон Боязид жалойирнинг икки ўгли – Али Дарвиш билан Мухаммад Дарвишларни ҳам жазога тортди. Оят: «Биз факат кофир бўлган кимсагагина мана шундай жазо берурмиз» (33.17). Баён сулдузнинг туманбегилик мансабини Октемур баходирга топширди.

Йигирманчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Хазрат Соhibкироннинг Хоразмга учинчи бор юриши. Сор Буга, Одилшоҳ ва Баҳром жалойирлар исёни туфайли унинг йўлдан кайтиши баёни.

777 йил баҳор ойининг бошларида, яъни балик йилида (март 1376 йил), гуллар- чечаклар барк уриб, бутун борлик уйгонган пайтда яшариш сардори, шаҳар, калъа, боғу рогларни химоя қилмок учун сабза лашкарини сахро сари бурди.

Назм:

Баҳор султонининг сабза лашкари
Хукм ила ташланди дала-дашт сари.
Зардўз сабо сувни гарк этди зарга,
Гул-калкону тикан – найза назарга.
Зафар нияти-ла азм этиб Хоразм,
Кўриб жанг майдонин тантана базм.

Хазрат Соhibкирон ўз омадига ишонгани ва келажакни олдиндан кўра билгани учун Хоразм сари юрмокка жазм этди. Жанг қилмоклик максadini кўзлади. Самарқандни бошқармок учун у амир Ок Бугани қолдирди, Сор Буга, Одилшоҳ жалойир, Хитой баҳодир, Элчи Буга ва бошқа хазора амирларини ўттиз минг отлик билан Мўғулистонга жўнатди ва уларга, нима қилиб бўлса ҳам Камариддинни тутиб, топилган жойида ўлдиришни буюрди.

Назм:

Сувори лашкардан ўттиз минг номдор,
Жўнатди мўғулга қарши шаҳриёр.
Ўзи эса Яратганнинг панохи остида Хоразмга дабдаба билан қириб қелди.

Назм:

Санокда ҳисобсиз бир фотих лашкар,
Ботирлик бобида бори музаффар.
Жанг-жадал ўрмонин йирткич шерлари,
Жасур, жанг устаси, қиличвоз бари.

Жайхун дарёси соҳилида Сепоя мавзеида ярим ой тамгаси босилган байрок хилпираб тўртинчи осмоннинг бу мавзегга хаваси қелганда, дарёнинг нариги соҳилидан Туркон арлот ўз лашкари билан дабдабали қароргоҳга яқинлашди. Унинг умр манзили поёнига етгани боис қингир ўй-фикрлар гирдобиди тагин ўз юртига, Гурзавон тарафга қараб қочди. Хазрат Соhibкирон унинг изидан бир гуруҳ одамларни қўшиб Пўлод баҳодирни жўнатди. Булар кечаю-қундуз уни қувиб, Андхунддан ўтиб, Форёб дарёси бўйига етиб олишди. Туркон ва унинг иниси Турмиш арлот ўз одамлари билан дарё соҳилида жанг қилдилар. Назм:

Ўта безбетлигин қўрсатди ганим,
Шағоллар шерларга ташланган каби.
Йўлбарс кезар экан жанг майдонида,
Тулқи тисарилар гезариб лаби.

Душман мағлубу пароканда бўлиб қочишга тушди. Голиб лашкар уларнинг ортидан қувиб қетди. Пўлод баҳодир бир ўзи Туркон арлотга етиб олди. Турконнинг оти қарчади; отдан тушиб, ўқ отиб Пўлоднинг отини қулатди. Пўлод ўрнидан туришга улгурмай Туркон унга

караб яна ўк отди, аммо ўки бошига зиён еткизмай телпагига тегиб ўтиб кетди. Пўлод жунбушга келиб, унга ташланди ва икковлари олиша кетишди. Хазрат Сохибкирон икболининг нурида Пўлод Турконни ерга босди. Назм:

Ганимлик истаган бошни шу пайти,

Тиг билан шарт кесиб, изига кайтди.

Омон Сарбадал унинг иниси изидан бориб, уни хам тутиб, ўлдирди. Назм:

Дархол бошин узиб инисин,

Икки бўлди унинг танасин.

Иккаласининг бошларини келтириб улуг тахт пойига ташлашди. Дархакикат, Хазрат Сохибкироннинг шохлик остонаси давр мансабдорлари бошларининг сўнгги манзилгохи эди. Ўз оёғи билан келмаган хар кандай бош бошканинг кўли билан келтирилди.

Хазрат Сохибкирон Мўғулистонга юборган амирлар гуруҳи ичидан Сор Буга ва Одилшоҳлар Самарканднинг холи эканлигини билиб, кингир ишни кўнгилга тугишди ва Хитой баходир билан Элчи Бугани ушлашди. Хазрат Сохибкирон Андижонда доруга мансабида колдирган Хамид улар билан иттифок бўлди. Ўз уруглари – жалойир хамда кипчокларни тўплаб, Самаркандга жўнашди хамда шахар калъасини эгаллашга киришишди. Шахар халки тинимсиз ўк отиб, буларни шахарга киришга кўймади.

Шахар хокими амир Ок Буга бўлган воқеаларни дархол чопарлар оркали Хазратга етказди. Дабдабали лашкар Киётдан ўтиб, Хосга етиб келганда бу хабар шохнинг муборак кулоқларига етди ва у оркасига кайтди. Шахзода Жаҳонгирни у хужумчи кисм билан олдин жўнатиб, ўзи марказда уларнинг ортидан борди. Сохибкирон Бухорога етиб келгач, лашкарини тартибга келтириб, Работи Маликда тўхтади. Шахзода душманга Карманада етиб олди. Иккала тараф хам саф тортиб, жангга киришдилар.

Назм:

Ногоралар гумбурлаб замон кулоғи битар,

Кек-нафрат аждархоси сочарди ўтли захар.

Киличларнинг дамидан лаълу инжу тўкилар,

Лаълу инжу нимаси?! Хаёт чоки сўкилар.

Шахзода Жаҳонгир «У зот накадар яхши хожа ва накадар яхши мададкордир» (22.78)

оятида айтилганидек, мудом ўз лутфу иноятини ёғдириб турган Хак таоло мадади остида – Илохо, хамиша шундай бўлсин – душманни енгди, душман кочиб, Дашти Кипчок сари йўл олди. Ўрусхон даргохидан панох топиб, унга мулозим бўлишди. Улкан кудрат сохиби Сохибкирон эсон-омон салтанатига кайтиб келди ва жалойир улусини таркатиб, амирлар ўртасида таксимлаб юборди. Шахзода Умаршайхни Андижон хокими килиб жўнатди.

Одилшоҳ билан Сор Буга Ўрусхонга хизмат кила бошлашди. Охири уларнинг табиатидаги бузуклик кайтадан харакатга келиб, Ўрусхон яйловга кетганида кочишни кўзлаб, хоннинг гумаштаси Учибий билан жанг килишди, уни ўлдириб, у ердан кочиб, мўгул тарафига, Камариддин хузурига боришди ва уни фитна-фасодга рағбатлантиришга киришишди.

Назм:

Ёмон ниятдандир манфур килмишлар,

Кеку адовату исён килишлар.

Йигирма биринчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Хазрат Соhibкироннинг Мўгулистонга тўртинчи бор юриш килиши баёни.

Сор Буга билан Одилшоҳ Камариддинга кўшилгач, унинг табиатига хос эски душманлик оловига ўт калаш пайида бўлишди. Камариддин лашкар тортиб, ўшалар билан бирга Андижонга келди. Хазора козоклари шахзода Умаршайхдан юз ўгириб Камариддинга кўшилишди. Тогларга ўрнашиб олгач, шахзода Хазрат Соhibкиронга Саман исмли бир кишини юбориб, душман катта лашкар билан келиб, Андижонни вайрон қилганини хабар қилди. Бу хабардан Хазратнинг газаб ўти аланга олиб, шошилинич йўлга тушди. Камариддин Хазратнинг келаётганини эшитиб, оёғи остидаги замин бўшашиб, тўхтовсиз ортга қайтди. Отбоши мавзеида аҳли аёли ва одамларини жўнатиб, ўзи тўрт мингта куролланган отлик билан пистирмада турди. Хазрат Соhibкирон ўша жойга етганда, Камариддиннинг пистирмасидан беҳабар душман изидан бутун лашкари билан амирларни жўнатди. Ўзи билан бир гуруҳ лашкарбошилар ҳамда беш мингта сара отликларни олиб қолди. Улар орасида амир Муаййад, Хитой баходир, Шайх Али баходир ва Ок Темурлар бор эди. Хитой баходир, Шайх Али баходирлар жасурлик ва қахрамонлик кўрсатиб душманни тор-мор қилмоқ керак, дея қуйиб-ёниб гапиришди. Улар ҳам душман изидан жўнашди, қолганлар ҳам уларга кўшилишди. Шу билан Хазрат Соhibкирон ёнида икки юзга яқин аскар қолди, холос. Қулай фурсатни ганимат билган Камариддин тўрт мингта қилич яланғочлаган отликлари билан пистирмадан чиқиб, нафрат қиличини аёвсиз сермаб, Хазрат Соhibкирон устига ташланди. Хазрат ҳеч бир ваҳимаю саросимага тушмай, одамларига далда берди ва қулоқлари остида: «Қанчадан-қанча қичкина гуруҳлар Аллохнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган» (2.249) деган оят жаранглади ва юрагига ҳеч қандай кўркув ва ҳаяжон йўламади. У муборак нафаси билан аскарларни шундай қўтаринқиликка чорладикки, бундан ақлу фаҳм лол эди. Галаба ва омад лашкар сонига қараб қўлга қиритилмайди, бу Маликул Ваҳхобнинг иноятдан келади. Ҳеч иккиланмай жасурлик отига минмоқ керак», дея уларни руҳлантирди.

Назм:

Шундай дея у отига қамчи урди,
Бирубордан мадад тилаб жангга сурди.
Ишга солди гоҳ қиличу гурзи бот-бот,
Чавандоз-ла ташланарди тўрт томон от.
Хар ҳамлада бир гуруҳни қирар эди,
Нак қонарик кечиб жангда юрар эди.
Суворининг дуч қелганин ағдарарди.
Ёв маркази томон дадил от сурарди.
Шундай қилиб назарқарда бу ҳукмрон
Қўлда гурзи, қилич, найза, сиртмоқ – аркон.
Янчиб, чопиб, санчиб ганим сардорларин
Бошларию бўйин, қўлу оёқларин.

Хазрат Соhibкирон ўзи довураклик кўрсатиб, жангда бевосита иштирок этганлари ва шунчалик шижоат кўрсатганлари боис, бундай иш шубҳасиз Парвардигори оламнинг тарбияти билан бўлди, унинг жасур жангчилари ҳам сабот ва матонат кўрсатишди,

натижада шу кадар кам сонли лашкар душманнинг тўрт минг номдор отликларини тор-мор келтириб, кочишга мажбур килди.

Назм:

Бундай ишлар ўз-ўзидан бўлмас зинхор,
Доим Аллох мададидан келур зафар.

Хазрат олийларининг ахвол-рухияти, у амалга оширган хайратомуз ишлар хакида чуқур тафаккур килиб кўрсак, шунда у бузруквор эга ички ва ташки куч-кудратнинг сабаби Хак субханоху ва таоло берган кувват хосиласи эканлиги маълум бўлади. Чунончи, ўша куни Хазрат кўли билан килинган ишлар ташки мададнинг кўриниши бўлса, ички мададнинг кўринишларидан бири шу эдики; «Уйкуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором килдик» (78.9) оятида айтилганидек туйгуларнинг дарчалари Аллох амри билан ёпилиб, каттик уйкуга кетганда пайгамбарликнинг кирк жузвидан бири бўлган тушида Шайх Бурхониддин Килич (Аллох уни раҳмат килсин ва ундан рози бўлсин)нинг муборак жамолини кўрди. Соhibкирон эхтиром билан унга яқинлашиб, Самаркандда хаста холида колдирган шахзода Жаҳонгирни Аллохдан тилаб беришини сўради. Шайх: «Аллох билан бўл» деди-ю, аммо ўгли хакида ҳеч нима демади. Соhibкирон уйкудан уйгонганида билдики, иш у кутганидек яқун топмайди. Кўнгли паришон бўлиб, ўзининг хос кишиси Йўл Кутлугни хат билан Шангкўл деган жойдан шахзоданинг ахволини билиб келишга юборди. У одам жўнаб кетгач, ўгли хакида тагин туш кўрди. Кўнглидаги бесаранжомлик кучайди. Амир ва мулозимларидан: «Мендан яширманглар, ўғлимга нима бўлган?» деб сўради. Улар тиз чўкиб, онт ичиб, биз Аллохнинг факир бандалари шахзодага нима бўлганини билмаймиз, дейишди.

У дархол йўлга тушди. Секиз Ёгочда тагин Камариддинга йўликишди, ўртада жанг бўлди. Камариддин яна енгилиб, кочди. Амир Учқора уни изма-из кувиб кетди. Бир мунча йўл босишгач, Камариддин саккизта навқари билан ортга бурилди. Уни ўраб олишиб отини ўк билан йикитишди, ўзини ҳам ярадор килишди. Ва ниҳоят, у кўп азоб чекиб, пиёда кочди.

Пўлод баходир ўша жангда кўлидан яраланган эди. Аллох иродаси билан ёнгин чикиб, Пўлод баходир ёнгинни ўчирмокчи бўлди ва кескин харакатлар килгани оқибатида яраси очилиб кетиб, ўша жойда ўлди.

Йигирма иккинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Шахзода Жаҳонгирнинг ўлими баёни.

Хазрат Соhibкирон Отақумдан кайтиб, Сайхун дарёсидан ўтиб, пойтахти Самаркандга келганида барча давлат аъёнлари, улуглару донишманд кишилар унга пешвоз чикдилар.

Назм:

Барчанинг кийими кўк хамда каро,
Кўзларда конли ёш ва мотамсаро.
Хамма тупрок сочган бошига ўксиб,

Ёка йиртган каби тирналган кўкси.

Барча тўпланган одамлар кора кийиб, сочларини юлиб, оху фиғон чекиб Хазратни кутиб олишди.

Назм:

Жахонгир мирзодан айрилдик, дариг,

Йигит жони гулдек сўлди, во дариг!

Ёки:

Навкирон гуллаган ёшида кетган

Улуг шахзодани топамиз кайдан?...

деб фиғону нолаларини фалакка етказдилар. Буни кўрган Хазрат Соhibкирон туши ўнгидан келганини тушунди.

Назм:

Фарзанд ўтганидан вокиф бўлди шох,

Кўз олди зулматга чулгонди, эвох.

Ювди кўз ёш юзин. Ўгилнинг гами

Туфайли зимистон бўлди олами.

Хазрат Соhibкироннинг кутлуг қадами етганидан кувончу шодлик гулзорига айланиши керак бўлган бутун мамлакат энди калбларни куйдирувчи, кўнгилларни ларзага солувчи вокеа дахшатидан кайгу ва мотам пардасига чулгонган эди.

Назм:

Мотам тутди лашкар, амиру хослар,

Эгинларда кора ва кўк либослар.

Барча эл какшади ушбу мотамда,

Юраклар коврилди, куйди аламда.

Бу вокеадан Хазрат Соhibкирон гоятда гамга ботди, тушкунликка тушди, негаки

«Бизнинг зурриёдларимиз – бизнинг калбларимиздир» деган накл бор. Бирок у зукко акли билан фахмлар эдики, хар бир инсон дунёга келибдими, ортидан унинг фано офати хам бор, ҳеч бир махлукот абадий яшамайди. Шу сабабли Соhibкирон «Собирларга хушхабар беринг» (2.155) оятидаги кўрсатмани ўз калб ярасига малхам деб билди, зотан бошига гам тушган бандаларга карата Куръони Каримда: «Албатта биз Аллохнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга кайтгувчилармиз» дейилган (2.156).

Рахматли шахзоданинг рухи покига атаб Хазрат хайру эхсонлар килди, бева бечораларга садакалар берди, обу ош тортди. Жасадини Шахрисабзга дафн этишди ва устига улкан макбара куришди.

Назм:

Курдилар макбара – улкан сагана

Уни безадилар гоят шохона.

У бор-йўги йигирма йил яшади, ундан икки ўгил колди: Хонзодадан шахзода Мухаммад Султон, Жахонгир мирзо вафотидан кирк кун ўтгач, Илёс Ясурийнинг кизи Бахт Малик огодан шахзода Пирмухаммад тугилган эди.

Шахзода 777, яъни балик йилида (1375-76) вафот этди. Бу бахтсиз ходиса туфайли амир Сайфиддин бу бебако дунёдан кўнгли совуб, Соhibкирондан ижозат хам олмасдан хаж сафарига кетди.

Йигирма учинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Соhibкирон томонидан Камариддинга карши лашкар жўнатилишининг баёни.

Ўглининг ўлими туфайли кайгуга ботган Хазрат Соhibкирон подшолик ишлари ва харбий юришлардан кўлини тортди.

Назм:

Вафо килмагай хеч бебако дунё,
Хайфдир унинг учун чекмоклик жафо.
Биздан колар токи бир ховуч тупрок,
Не керак меҳр кўйиб, ўлиб-тирилмок.

Обрўли амирлар ва нўёнлар салтанат тахтининг пойида хозир бўлиб, Соhibкиронга эъзоз-икромлар билан таъзим бажо келтириб, юкиниб, дуо билан тилларини сўзга очдиларки, Хак субханоху ва таоло ёруг оламнинг ишларини подшоларнинг вужудига жамламиш, оламини яратишдан мақсад инсонлар тинчлиги ва хотиржамлиги экан, Аллох буни ҳам подшоҳларнинг адолат ва сиёсатига дахлдор килгандир.

Назм:

Кинида турса гар подшоҳ ханжари
Изидан чикади олам ишлари.
Султоннинг киличин босса агар чанг,
Дин кўзгусин юзин коплар аксар занг.
Шох Аллох таоло сояси мисол,
Жаҳон топгай ундан жамолу камол.
Дунёни ёритар шох адолати,
Куёш, ойдан юксак адл киммати.
То малак фалакда килар ибодат,
Яхшию ёмонлик фалакка одат.
Жаҳон хазинаси сенгадир сочи,
Дунёнинг каллиги сенга юз очсин.

Хазратнинг мақсади Парвардигорнинг ризолиги ва хушнудлигига ноил бўлиш экан, бунга эришмокликнинг энг тўгри йўли ўз кўли остидагиларга адолат килиш, раият ва факиру мискинлар холидан вокиф бўлиш деб тушунарди. Зеро хазрати Мухаммад Мустафо (с.а.в) бир соат адолат билан сиёсат юргизмокни олтмиш ё етмиш йиллик ибодатдан афзал деб билганлар.

Назм:

Адолат кил элингга, эй шаҳаншоҳ,
Расуллик эшигин кокар одил шох.

Хазрат Соhibкирон бекларининг самимий насихатларини маъкул топиб, яна химмат юзини мамлакат ишлари ва лашкар йигишга бурди. Шу вақтда Одилшоҳ жалойир бир канча одамлари билан Корачук тогида тентираб юрибди, деган хабар келди. Хазрат Соhibкирон уни излаб топишга Баротхожа кўкалдошни ва Элчи Бугани ўн бешта отлик билан жўнатди. Улар Самарканддан чикиб, Ўтрорга етганда у ердан яна одамлар олиб, тоғлардан Одилшоҳни излашга тушишди. Уни Оксумо деган жойда тутиб катл этишди.

Оксумо сокчилар минораси сифатида Корачук тогида тикланган устунсимон курилма бўлиб, ўша ердан Дашти Кипчок йўлини кузатишади.

Сор Буга тўғри йўлдан озиб, душман бўлиб кочиб юрган эди. Икки йилдан кейин ақлнинг хидояти билан тагин Соhibкирон қароргоҳи остонасига бош уриб келди. Ҳазрат подшоҳона марҳаматлар кўрсатиб, унинг гуноҳидан ўтди ва ўз улусининг беклигини берди. Шундан сўнг шахзода Умаршайхга Ок Буга, Хитой баҳодир ва бошқа амирлар билан бирга Камариддин изига тушиб, уни йўқ қилиш учун қатъий ҳаракат қилишни буюрди.

Фармонга биноан улар йўлга чиқиб, иложи борица тезроқ юриб, Қоратог этагида Камариддинга етишди. Соhibкирон давлатининг икболи туфайли жангда биллурий ранг қиличлар тиги алвон рангга бўялди, душманнинг юзи бўронда чирпирак бўлган сомон парчасидек саргайиб кетди. Камариддин қочғач, булар унинг улусини талаб, қатта ўлжа ва асирлар билан қайтишди.

Назм:

Ганимга шафқатсиз халқпарвар лашкар
Қайга юриш қилса, қайтар музаффар.

Йигирма тўртинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соhibкироннинг энгилмас ва беҳисоб лашқари билан Мўғулистонга бешинчи марта қилган буюқ юриши баёни.

Энгилмас лашкар жетага, яъни Мўғулистонга қилган юришидан мўл-қўл ўлжа билан қайтғач, Ҳазрат Соhibкирон ўша йилиёқ у ёққа тагин юриш қилишга қарор қилди. Амир Мусонинг ўгли, Ҳазратга божа бўлиш мартабасига сазовор бўлган Муҳаммад бекни, амир Аббосни ва Ок Темур баҳодирни хужумчи қисм сифатида олдин жўнатди. Фармонга мувофиқ кечаю кундуз ҳаракат қилиб, Исикқўлдаги Бўғомда Камариддинга етиб олишди. Қаттиқ жанг қилишди, Камариддин қочди, булар унинг элини талон-тарож қилиб, асир олиб кетишди. Ҳазрат Соhibкирон зоти олийлари уларни Қўчқор мавзеигача қувиб борди. Ўша жойда Ҳазратга хабар етдики, Тўхтамиш Ўғлон Ўрусхон ўзбекдан кўрқиб, олампадох даргоҳларига бош уриб келмокчи эмиш. Ҳазрат Соhibкирон амир Туманга уни иззат-икромлар кўрсатиб қутиб олишни буюрди. Ўзи Юмғол йўли орқали эсон-омон ортга қайтиб, Ўзгандга келиб тушди. У ердан жўнаб, бахт-икбол билан Самарқандга келди.

Амир Туман Тўхтамиш Ўғлонни келтирди, барча арқони давлатлари уни Соhibкирон қошига бошлаб келишди. Ҳазрат олийлари унинг ташрифига қатта ҳурмат-эҳтиром билан ёндошди ва ҳар дақиқада уни эъзозлаб, шоҳона илтифотлар кўрсатди. Тантанали қабул маросими ниятисига етгач, унга ва унинг тобеларига шунчалик қўп инъому тортиқлар қилдики, таърифига сўз ожиз: олтин-қумуш, марварид, чопон, камар, қурол, матолар; от, қалқон, қодир, ногора, байроқ, лашкар, мулозимлар ва бошқа шоҳона нарсалар тухфа қилинди ва чуқур ҳурмат юзасидан уни ўзига ўғил атади.

Йигирма бешинчи фасл. Амир Камариддин ишининг якун топгани баёни.

Мўғулистондаги ишончли одамлардан эшитишимча, Куйла Кожурода амир Камариддин сувчечак билан огриб, шу даражага етганки, терисидаги шишлар ёрилиб, коса-коса йиринг окиб ётган. Шу орада Амир Темур лашкар тортиб келаётгани хакида хабар келади. Камариддиннинг на отда ўтиришга, на жilовни тутишга мадори бўлмайди. Одамлари уни тўкайга элтиб, иккита чўри ва бир неча кунга етадиган озик-овкат билан колдиришади. Колган одамлар кочиб кетишади. Кейинчалик уни тўкайдан канча кидиришмасин, унинг хам, чўриларининг хам на ўлигини, на тиригини топишолмайди. Одамлар унинг ёмонликларини аста-секин унута бошлашади. Шундан сўнг Амир Темур хотиржам бўлиб, Мўғулистонга олтинчи марта юриш килмади. Хулласи калом, мўғуллар тинчлик-осойишталикни кўлга киритдилар.

Йигирма олтинчи фасл. Хизр Хожaxon ибн Туглук Темурхон хаётининг дастлабки даври баёни.

Илгари зикр этилганидек, Туглук Темурхон фарзандларининг сўнггиси Хизр Хожaxon бўлиб, уни хали эмизикли пайтида Худойдоднинг онаси Мир Ого Камариддин тазйикидан куткарган эди. Хизр Хожaxon ўн икки ёшга етганда Камариддиндан хавфсираб уни Кошгарга олиб кетишади. Амир Худойдод унга ишончли одамлар хамрох бўлиб боришларини хохлайди. Мир Ого бунга каршилиқ килиб дейди: «Ўз мулозимларингдан хеч кимни унга хамрох килма, негаки Хизр бир кун келиб, хонлик тахтига ўтирса, бу одамлар истасанг-истамасанг эъзозда бўлишади. Улар хон ёнида бўлишса, сенинг ўгилларинг уларга душман бўлишади, чунки улар, одамлар бизни хурмат килишмайди, хоннинг хакикий мулозимлари булар, деган фикрга боришади-да, натижада душманлик бошланади. Шу боис унга ўз мулозимларингни эмас, бегона одамларни кўшиб жўнат». Шундай килиб, Хизрга ўн иккита бегона одамни хамрох килиб жўнатишади. Уларнинг бари амир бўлишди, уларнинг авлодлари хозир хам бор. Улардан бири чакрак уругидан эди, хозирги иторчи амирлари ўшанинг наслидан. Иккинчиси – хоразмлик баккол эди, кунжи амирлари ўшанинг наслидан, яна бири – чалишлик овчи. Унинг ўгиллари хам амир бўлишди, уларни «Кушчи», яъни, «амири шикор – куш овчиси» ва яна «Кўкалдош» деб хам аташади. Булар амирлик даражасига етганлари. Ўн икки кишидан колганлари хам юкори мансабларга эришдилар. Хуллас, Хизр Хожaxonни Бадахшон ва Кошгар оралигидаги тоғларга олиб кетишди.

Камариддиннинг айгокчилари буни билиб қолишгач, улар у тоғлардан Хўтан тоғларига йўл олишди. У ерда ҳам қолишдан хавфсираб, Сарик Уйгур, Хабр, Хон, Луб, Катак тарафга кетишди.

Ўша ўлкаларда ўн икки йил яшашди. Камариддиннинг давлати завол топиб, у золим конхўрни Хак субхонаху ва таоло салтанат тахтидан халокат чоҳига ташлагач, халк хон талаб кила бошлади. Амир Худойдод ўша ўлкаларга одам юбориб, Хизр Хожохонни олиб келтирди. Халойик жамъ бўлиб, уни хонлик тахтига ўтказди, шу билан мўғуллар давлати ва хонлиги чехрасига кизил югурди. Мўғулистон гуллаб-яшнади. Амир Темур билан сулх тузишиб, хонликдаги ифбатли, мастура кизлардан бири Тукал хонимни унга никохлаб беришди. «Зафарнома»да шундай битилган. Бунинг таърифи узун, мана ўша воқеаларнинг кискача баёни.

Ўз хукмронлиги даврида Хизр Хожохон Хитойга газот килди. Турфон ва Корахожа Хитой таркибидаги йирик шаҳарлардан эди. Хон шахсан ўзи ўша ёкка юриш килиб, галаба қозонди, у ерлардаги халкни исломга киргизди, мана хозир ҳам ўша ерларда исломга эътикод қилишади ва мўғул хонлари тахти Қошғардан кейин ўша ердадир. Накл қилишларича, ўша адолатли уруш пайтида Хизр Хожохон мулкларни муқаддас шариат қонунлари бўйича тақсимлаган. Унинг чекига бир қийимлик атлас билан битта қорамол тушган. У қачонлардир Туглуқ Темурхон томонидан қабул қилинган ислом ақидаларига итоат этувчи хон бўлганлигидан шунга рози бўлган.

Унинг қамонида Амир Темур абадиятга рихлат қилган эди. «Зафарнома»да зикр этилишича, Амир Темур гарбий ва шимолий вилоятлардан қўнгли хотиржам бўлгач, Шарк мамлакатларига йўл олдики, улардан энг йириги Хитой эди. У лашқарини тартибга келтирди; бунинг барчасини баён қилсак, сўз узокка чўзилади. Бунинг кискача таърифи бундай: у сакқиз юз минг аскардан иборат лашқар тузди, уни етти йилга етгулик қилиб таъминлади, Ирок ва Рум юришида ҳам худди шундай таъминланган эди. Хитой ва Мовароуннахр орасидаги вилоятлар унчалик обод эмаслиги сабабли озик-овқат захирасини мўл-қўл қилиб олишга ҳаракат қилишди, хукмдор киши бошига иккитадан сигир, ўнтадан соғиладиган эчки олишни буюрдики, борди-ю йўлда гамланган егуликлар тугаб қолса, уларнинг сути овқат бўлади, агар бу ҳам тугаса, гўшти истеъмол қилинади, дейишади.

Ишларни шу тахлит режалаштириб, Самарқанддан жўнашди. Ўша кишни Туркистонда ўтказишди. У Хизр Хожохонга киши юбориб, лашқарга озик-овқат мўл бўлсин деб, бу йил дехқончиликка катта аҳамият беришни тайинлади..

Отам (Илохо, гўри нурга тўлсин)дан қўп бора эшитганим борки, Мўғулистоннинг машхур Қўқтуба мавзеида эрта баҳорда қимиз пайдо бўлган, мўғулларнинг одатига қўра, ўша қуни зиёфат уюштирилган. Амир Худойдод хонга бир қоса қимиз тутиб турган пайтда давлат одамларидан биттаси қелиб, Амир Темурдан элчи қелганини ва у қелтирган нома мазмунини баён қилди. Шунда хон, қаршилиқ қўрсатишга қучинг етмаса қийин, уларга ўлпон тўлаб қутулиб қўя қолиш қерак, деди. Қимиз тўла қосани тутганча хон ўйга толди. Амир Худойдод хозир хузур қосасини қимирмоқ қерак, дея қуйидаги байтни қелтирди: Қам қелмасдан бурун чекма ташвишин, Эртага қўяйлик эртанинг ишин.

Тагин қўшиб қўйди: «Айтишадику, агар бирорта олмани осмонга отиб юборилса, ўша олма ерга қайтиб тушгунига қадар Парвардигор юзлаб яхши ишларни амалга оширар экан, худди шунингдек, эртагача Аллох неча минглаб хайрли ишларни амалга оширса ажаб эмас. Сиз хозирги лахзаларни қанимат қилиб, шод қечиришга интилинг».

Амир Худойдод хануз шу гапларни тугатиб хам улгурмаган эдики, лашкар сафи тарафдан ок кийимда кора отга минган бир одамнинг елиб келаётганини кўришди. У одамлар отдан тушадиган жоловхонада отдан тушмай, белгиланган жойдан ўтиб, мулозимлар тўпланган жойгача отда келди. Хар тарафдан ясовуллар кўзголиб, уни тўхтатишга уринишди, у хоннинг қошига етмагунча тўхтамади ва «Ўтрорда Амир Темур ўлди», деди-ю, оркасига бурилиб, шу кетганча тўхтамай от чоптириб кетди. Оркасидан югуришиб, «Тўхта, тузукрок тушунтир» дея харчанд кичкиришмасин, у ортик бир огиз сўз демай кетди. Изидан бир канча кишиларни жўнатишди, аммо хеч ким унга етолмади. Ўша бир огиз сўздан бошка хеч нима маълум эмасди. Кирк беш кундан сўнг хабар келдики, Амир Темур хакикатан хам Ўтрорда вафот этган экан. Шу гап рост экан, Хизр Хожохон шу билан ташвишдан халос бўлди.

Хизр Хожохон 770 (1368) йилда тугилган, Амир Темур эса 807 (1405) йилда вафот этган. Хазрат Амир Темур вафотидан сўнг Хизр Хожохоннинг неча йилдан кейин ўлгани маълум эмас (Аллох билгувчидир). Хизр Хожохон хонлик тахтига чикиб, подшоҳлик тожини кийгач, амир Камариддин туфайли зил кетган хонлик тағзамини Амир Темур хукмронлиги пайтида яна мустахкамланди. Хонликнинг йўк бўлиб кета бошлаган кадимги тартиб-қоидалари янгидан жоло топди. У мамлакат ишлари ва давлат аъёнларининг хак-хукукларини қайта тиклади. Амир Худойдоднинг Чингизхон замонида яшаган бобоқалони Уртубуга Чингизхон етти имтиёзни берган эди. Мана улар: биринчиси – ногорачи, иккинчиси байрок, буни туркийда «Туман Туг» дейишади; учинчиси – иккита мулозимини кўшин байрогини тутмоққа кўйди; тўртинчиси – куролдорлик, яъни хон йигинида курол осиб олиш хукуки; мўгуллар одатига кўра хон йигинида хондан ўзга хеч кимнинг ёнида курол осиб олишга хакки йўк эди; бешинчиси – унинг овида, куш овими ёки куён овими, барибир, катнашган хар бир киши унинг навқари хисобланган; Буни туркий ифодада шундай келтиришган: «Бурна кўзлаган ва тувушкон жарқалаган онинг жарқасидин чикмасун»; олтинчиси – у бутун мўгул улусининг амири хисобланган, фармонларда уни «Мўгул улусининг сардори» деб ёзишган; еттинчиси – девонхонада тўрда ўтирган, колган беклар нарида, ундан бир ёй ўлчами узокрокда икки тарафда ўтиришган. Чингизхон томонидан Уртубуга берилган еттита имтиёз мана шулар.

Амир Буложи Туглук Темурхонни калмоқлар юридан олиб келиб, айтиб ўтганимиздек, хонлик тахтига чиқарган пайтда, Туглук Темурхон буларга яна иккита имтиёз кўшган эди, шу билан улар тўккизта бўлди; Биринчиси – у хоннинг рухсатисиз, мустақил кўшин амирини мансабидан тушириш ёки шу мансабга тайинлаш хукукига эга эди; иккинчиси – амир Буложи авлодлари тўккизта гунох қилмагунларича хеч қандай жазога тортилмасди. Улардан бирортаси тўккизта гунох иш қилса, уни сўрок қилинадиган жойга икки яшар отга миндириб олиб боришади. Хурмат юзасидан от оёғи остига тўккизта ок нават тўшади, унинг сўзларини хонга барлос уругидан бўлган амир, хоннинг сўзларини эса унга арқанут уругидан бўлган амир етказишади. Мана шундай сўрокдан кейин борди-ю унинг тўккизта гунохи исбот топса, у ўлим жазосига лойик деб хисобланади – унинг бўйин томирини кесишади, халиги иккита амир уни икки тарафдан тутиб туришади. Унинг баданидаги бутун қони оқиб чикиб, халок бўлгач, икки амир дод солиб, уни олиб кетишади.

Туглук Темурхон тўккиз имтиёзни тасдиқлайдиган фармонга имзо чекди. Мен Туглук Темурхоннинг ўша фармонини кўрганман, у отамга боболаридан мерос колган. Фармон Шохибекхоннинг галаёнли даврида йўқолди. У мўгул тилида, мўгул ёзувида, тўнгиз йилининг бахорида, Кундузда битилган эди. Шунга асосланиб, Туглук Темурхоннинг

хокимияти Кундузгача чўзилган деб хисоблашарди. Хоннинг хаёти хакида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, бироқ мен ушбу «Тарих»да у ҳақда «Зафарнома»да нима битилган бўлса, ҳаммасини келтирдим.

Амир Буложининг ўгли амир Худойдоднинг уринишлари оркасида Хизр Хожaxon амир Камариддиннинг даҳшатли тазйикларидан омон қолиб, хонлик тахтига ўтиргач, ўз падари бузруквори кўллаган удумларни тиклади, амир Худойдод ишларини изга туширишда жонбозлик кўрсатиб, айтиб ўтилган тўққизта имтиёзга яна учтани кўшди. Шу билан имтиёзлар сони ўн иккитага етди. Биринчиси шуки, тўю-зиёфат кунлари хоннинг ясовули билан амир Худойдоднинг ясовули от устида ўнг тарафда май солинган катта идиш ва хоннинг қадахини тутиб туришлари керак. Иккинчиси – фармонга муҳр босиш ҳукуки: фармон тугаган жойга амир Худойдод, ўша сатрнинг бошига хон муҳр босишади. Мана шу ўн иккита имтиёзлар хақидаги фармон остига Хизр Хожaxon ва Амир Худойдод номига имзо чекди.

Амир Худойдод вафотидан кейин ўн иккита имтиёз унинг ўгли амир Муҳаммадшоҳ кўрагонга ўтди. Амир Муҳаммадшоҳ оламдан ўтгач, унинг ака томондан жиёни амир Саид Али кўрагонга ўтди. Ундан Хайдар мирзо кўрагонга, Муҳаммад Хайдар мирзодан эса унинг ўгли Муҳаммад Хусайн мирзо кўрагонга ўтди, у Муҳаммад Хайдарнинг, яъни, фақирнинг отаси бўлади. Одамлар мени кўпроқ Мирзо Хайдар сифатида танишади. Отам шаҳид бўлгандан сўнг (Илоҳо гўрига нур ёғилсин) амаким Саид Муҳаммад мирзо шаҳид Султон Саидхонга уланди. Шаҳид Саидхон (Аллоҳ унга жаннатдан жой ато қилсин) амакимга ўша имтиёзларни берди. Бу ҳақда «Тарихи Рашидий»нинг иккинчи китобида ёзилган.

Чингизхон даврида, 625 (1227-1228) йилда асос солинган мана шу имтиёзлар Султон Саидхоннинг вафоти ва амакимнинг ўлдирилишигача, яъни 940 (июл-август 1533) йил муҳаррам ойигача амал қилиб келди.

Султон Саидхон оламдан ўтгач, хонлик тахтига Султон Рашид ўтирди. У ота-боболари ўрнатган тартибга барҳам бериб, уларни тесқариси билан алмаштирди.

Ул Худойи вожибул вужудга чексиз ҳамду санолар бўлсинки, менга навбат келганда, мени бировларга бўйин эгишдан, хонларга муҳтож бўлишдан асради. Ҳеч бир имтиёзларга ҳам қуним қолмади! Ё қодир Худо, иноят ва раҳматингнинг чек-чегараси йўқ. Агар бирор бандага тавфиқ ато қилсанг, у бу дунёнинг меҳнатидан, охирагининг азоб-уқубатидан халос бўлгусидур! Бу фақир бандангни зоҳиран қараминг бирла бировга муҳтож қилмадинг, ботинан ҳам ўз муҳаббатингга гирифтор қилгайсан.

Назм:

Илоҳо, барчани мандан совутгил,
Жумла жаҳон аҳлин йироқроқ тутгил.
Дунё ишвасига махлиё этма,
Кўнглум қарамидан ҳеч нари кетма.

Йигирма еттинчи фасл. Муҳаммадхон баёни.

Мухаммадхон Хизр Хожохоннинг ўгли бўлади. Хизр Хожохоннинг бундан бошка ҳам ўғиллари бўлган. Улардан – Шамъи Жахонхон, Накши Жахонхон ва бошкалар. Эсан Бугахондан сўнг, Туглук Темурхондан ташкари мўгуллар юртида Чигатой хонларидан ҳеч ким колмади. Бу ҳақда айтиб ўтилди. Туглук Темурхондан кейин амир Камариддин Хизр Хожохондан бошка барча авлодларни йўқ қилди.

Бу ҳақда ҳам айтилди. Хизр Хожохондан кўп ўғил ва набиралар қолди. Улар ҳақидаги муфассал маълумотлар мўгулларнинг ишончли манбаларида сакланиб қолмаган. Умуман менга хоннинг бевосита ота-боболари ҳақидаги маълумотларгина маълум, уларнинг аммавачча, холаваччалари ҳақида ҳеч бир маълумот йўқ. Хизр Хожохоннинг фарзандларидан фақат Мухаммадхон ҳақидагина эслатилади, холос, мўгул хонлари авлоди у билан барҳам топган.

Мухаммадхон яхши, мусулмон, адолатли улуғ хон бўлди. Унинг Худо ярлакаган замонида мўгул улусининг катта қисми мусулмон бўлди. У мўгуллар орасида ислом динини тарқатишга каттик саъй-ҳаракатлар қилди. Масалан, бирорта мўгул салла ўрамаган бўлса, унинг бошига така михини қоқишганлари ҳақида маълумотлар бор. У мана шундай ишларнинг кўпини қилган (Аллох уни раҳматига олсин).

Мўгулларнинг нақл қилишларича, Амир Худойдод ўз қўли билан олтита хонни тахтга ўтказган. Шулардан бири мана шу Мухаммадхондир.

Мухаммадхон Чодирқўл довонининг шимол тарафида бир работ қурдирган, унда шунақа катта тошларни ишлатганки, бундай тошлар Кашмир иморатларидан ўзга ерда ишлатилмаган экан. Работнинг баландлиги йигирма газ арқи бор. Унинг дарвозасидан қириб, олдинга қараб ўттиз газ юрсангиз, баландлиги тахминан йигирма газ келадиган гумбаз чиқади. Гумбаз олдида ўтиш йўлаги бор, гумбаз атрофида ўртача катталиқдаги қулай хужралар қурилган. Работнинг гарбий тарафида баландлиги ўн беш газ келадиган масжид қад кўтарган. Бинода ўттизга яқин уланиш чоклари бўлиб, булар бари тошдан қилинган. Барча эшикларининг устига яхлит харсанг тош қўйилган, Кашмир иморатларини кўрмагунимча бу қурилма менга гоятда хайратли бўлиб кўринган эди. Чодирқўл довонини ўша работ номи билан Тошработ довони ҳам дейишади.

Мухаммадхон даврида Мовароуннаҳрда Шохрух мирзонинг ўғли олим Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган, у «Зижи Кўрагоний» жадвали ва расадхонаси билан машхур. Шохрух мирзо Хуросон ва Ирок ҳукмдори бўлган. Улуғбекнинг тугилган ва ўлган санаси маълум эмас. Агар ўша даврдаги саналарни бир-бирига қиёсласак, унинг тахминан 860 (1455-1456) йилда вафот этгани маълум бўлади (Аллох яхшироқ билгувчидир).

Йигирма саккизинчи фасл. Шермухаммадхон ибн Мухаммадхоннинг баёни.

Мухаммадхоннинг авлодлари ичида Шермухаммадхон ва Шерали Ўғлонлар ҳам бор эди. Отаси Мухаммадхон вафот этгач, Шермухаммадхон салтанат тахтига ўтириб, мустақил хон бўлди. Унинг замонида мамлакатда осойишталик бўлди, халқ фаровон яшади. Уқаси Шерали Ўғлон унинг ҳукмронлик даврида ўн саккиз ёшида вафот этди, хонлик

даражасига етмади. Ундан Увайсхон исмли ўғил колди. Увайсхон билан Шермухаммадхон ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди, бу ҳақда куйида зикр қилинади. У Муҳаммадхондан кўра кўпроқ подшоҳлик қилди, у ҳам Шохрух мирзонинг замондоши эди. Йигирма тўққизинчи фасл. Увайсхоннинг ёшлик даври баёни. Султон Увайсхон – Шерали Ўғлоннинг ўғли. Отасининг вафотидан сўнг у амакиси Шермухаммадхон ёнида бўлди, балогат ёшига етгач, амакиси ёнида хизмат қилиш унга оғир туюлди, у ердан кетиб, хар қаерларда макон тутиб юрди. Мўғуллар улусида ўзини баходир ҳисоблаган ва шунга талабгор хар қандай йигит унинг ҳузурига борарди. Амир Саид Али, каминанинг мартабали бобокалони ҳам шулар жумласидан бўлган. Мен она томондан Увайсхоннинг чевараси бўламан, амир Саид Али эса ота томондан бобокалоним ҳисобланади. Мана шу амир Саид Али Саид Аҳмад мирзонинг ўғли, Саид Аҳмад мирзо эса Амир Худойдоднинг ўғли бўлган. Шу ерга муносиб келгани учун икки оғиз амир Саид Али ҳақида тўхталмоқ жоиздир.

Ўттизинчи фасл. Амир Саид Али ва унга тегишли воқеалар баёни.

Зикр этиб ўтилганидек, Амир Худойдод Мўғулистонда хонлар хизматида бўлди. Амир Худойдоднинг ватани Кошгар Чингизхон томонидан унинг боболарига тортик қилинган эди. Бу ҳақда Кошгар юрти ҳақида сўз борганда иккинчи китобда гапирилади. Амир Саид Аҳмад дудукланиб гапирарди. Сўзларини у билан суҳбатлашиб ўрганиб қолган кишигина тушунарди. Кулоги ҳам оғирроқ эдики, у билан баландроқ овозда сўзлашиш лозим эди. Падари бузруквори Худойдод уни Кошгарга ҳоким қилиб юборди. Анча муддат Кошгарда ҳукмронлик қилди. Кошгарнинг таникли кишиларидан Хожа Шариф катта обрўга эга эди. Ҳамма одамлар унга ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишар эди. Хожа Шариф хуштабиат ва зийрак киши эди. У Саид Аҳмад мирзодан норози бўлиб, мирзо Улугбекка илтижо қилиб келди, Улугбек Кошгарни Хожа Шарифга берди. Саид Аҳмад мирзо Кошгардан қочиб, отасининг ёнига келди ва кўп фурсат ўтмай вафот этди. Саид Аҳмад мирзонинг ўғли амир Саид Али бобосининг ёнида эди. Амир Худойдод амир Саид Алини бошқа фарзандларидан зиёд кўрар эди, негаки на бўйи-басти, на куч-қудрати ва жасурлиги, на ақлу фаросати бўйича унга тенг келадигани йўқ эди. Уни «алиф» ҳарфига қиёслаб «Саид Али алиф» (Саид Али узун) дейишар эди. Амир Саид Али Эсан Бугахоннинг кизини ўғли Муҳаммад Хайдарга келин қилиб олганида, хали бу ҳақда гап бўлади, гўшанга учун миҳни у қоккан эди, буни ўзим кўрганман. Агар бир одам тик туриб, иккинчи одам унинг қифтига чиқиб қўлини узатса, қўли ўша миҳга бир газ чамасида етмай қоларди. Мана шунинг учун ҳам амир Худойдод амир Саид Алини бошқа ўғилларидан кўра кўпроқ яхши кўрарди. Ўша кунлари теңурийлар юридан Аҳмад мирзо деган одам Шохрух мирзо уйдан қочиб келган эди. Унинг ёнида бир синглиси ҳам бўлиб, амир Саид Али унга ошиқу шайдо бўлиб қолди. Амир Худойдод ва бошқа кишилар орага тушиб, совчилик қилишди. «Мен Мўғулистонда қилишни истамайман, агар у менинг юртимга бирга кетса, унда бу иш мумкин бўлар»

деди. Кўп ўтмай улар Мовароуннахрга, ўз вилоятларига кетишди. Амир Саид Али улар билан бирга ўша ёкка кетди. Улар Андижонга келишгач, Мирзо Улугбек одам юбориб, Ахмад мирзони ўлдиради ва синглисига ўзи уйланади, амир Саид Алини Самаркандда камокка олади. Бир йил камокда ётиб, корин огригига йўликади, ўлар холатга етганида, Мирзо Улугбек табибларни жўнатади. Табиблар уни канча даволашмасин, фойдаси бўлмайди. Шу орада бир киши кимиз олиб келади. Амир Саид Али табиблардан илтимос килади, «Хеч нарса менга фойда бермади, хеч бўлмаса кимиз ичишга рухсат беринглар», дейди. Табиблар шояд табиати кимиздан ором олса, деб кимиздан канча хохласа, шунча беришди. Кимизни ичганиданок согайиш аломатлари кўринди. Эртасига яна беришди, у дарддан фориғ бўлди.

Ўша кунлари Мирзо Улугбек падари бузруквори Шохрух мирзони зиёрат килишга борди. Амир Саид Алининг тузалганини билиб, унга от ва курол беришни буюрди, уни ўзи билан Хуросонга олиб кетди, мақсади Хуросон халкига амир Саид Алини кўрсатиш ва «Мана, кўриб кўйинглар, Мўгулистонда бизнинг кандай ганимларимиз бор» дейиш эди. Бир куни кечаси Каршида Мирзо Улугбек чодирда эди, чирогбонлар ўша ердан ўтиб боришарди. Чодирдан у кўккисдан амир Саид Алининг ўн тўрт қарич келадиган камон ўқини кўриб қолади. Мирзо: «У мени отиб ташласа-ю жўнаб кетса, ким унга халакит беради?» деб ўйлади. Кўриб кетган Мирзо дархол амир Саид Алини чакириб унга: «Хуросон сафари сизга огирлик килади. Самаркандга қайтиб бориб, обдон ўзингизга келиб олинг. Мен Хуросондан қайтиб келиб, сизни Мўгулистонга жўнатиб юбораман. Сиз Шермухаммадхон билан орамизда то яраш бўлгунигача воситачи бўласиз», деди. Тагин шунга ўхшаш сабабларни айтди-да, уни Каршидан ортга қайтиб кетишига рухсат берди. «Самарканд хокими мен қайтиб келгунимгача амир Саид Алини иззат-обрў билан кутсин» деб тайинлаб, унга бир кишини кўшиб юборди. Бирок «Хокимга айтгинки, амир Саид Алини камокда ушласин» деб пинхона буюрди.

Амир Саид Али ўша одам билан Самаркандга келишаётганда унинг авзойидан уни бу ерга иззат-хурмат учун келтиришмаётганини сизди. Самаркандга етиб келгач, хамрох килинган одам уни бировнинг уйида қолдириб, ўзи хоким хузурига кетди. Шу захотиёк амир Саид Али уйдан чиқиб, яёв Тошкандга равона бўлди. Ўша одам хоким билан бирга келиб қараса, у ерда амирнинг оти, курол-аслахаси, мулозимлари бору, амирнинг ўзи гойиб бўлган эди. Амирнинг мулозимларидан сўрашганда, улар: «Хозиргина яёв чиқиб кетди», дейишди. Канча қидиришмасин, уни топишолмади.

Амир Саид Али, йўлда каландарларга кўшилиб, каландарлар кийимида Тошкандга келди. Каландарлар уни «Уштур абдол» (Дарвеш туя) деб аташади. Шунинг учун каландарлар барча озик-овкату буюмларини унинг елкасига юклашарди. Шу тахлит каландар қиёфасида у Торозга етиб келди, у ерни Ёнги хам дейишарди. У ерда «Асхоби қахф» («Гордош дўстлар») саганасининг шайхи қошига келди У шайхни мўгул тилида «Малик ото» дейишарди, шайх амирни таниди. У Шодика Шайх исмли ўглига амирга хамрохлик қилишни топширди ва Шодика уни Мўгулистонга, амир Худойдод хузурига олиб борди. Шодика амир Саид Алининг энг ишончли мулозимларидан бири бўлди ва «Шодика-вафодор» лақабини олади. Унинг авлодлари хозир хам бор, бироқ булар у қадар хурматга сазовор эмас.

Кискаси, Амир Саид Али ўз мўътабар бобоси хизматида мушарраф бўлган пайтда, Султон Увайсхон амакиси Шермухаммадхон хизматидан бош тортиб, у ердан қозоқлик қилди. Амир Худойдод ўгли амир Саид Алига: «Менимча, сенинг бу ердан Увайсхон хузурига кетганинг маъқул, бу ерда ёруғлик кўрмайсан» деди. Амир Худойдод амир

Саид Алига ўзи тенги олтмиш йигитни хамрох килиб берди-да, Увайсхон қошига жўнатди. Амир Саид Али Увайсхонга астойдил хизмат килди. Хон уни ўз синглиси Ўрун Султон хонимга уйлантирди. Амир Саид Алининг Увайсхон олдидаги хизматлари буюқдир. Унинг таърифи узун, айримлари хақида Увайсхон зикрида сўз борганда тўхталамиз.

Ўттиз биринчи фасл. Шермухаммадхон билан Увайсхон орасида ўтган воқеалар баёни.

Айтиб ўтганимиздек, Султон Увайсхон амакиси Шермухаммадхон қошидан қочиб кетгач, кўплаб одамлар унга келиб қўшилишди. У Шермухаммадхондан узок бўлмаган жойларда қазокликка машгул бўлди. Бирмунча муддат у Луб, Катак ва Сарик Уйгурга яқин жойда яшади.

Ўша кунларда у синглиси Ўрун Султон хонимни Амир Саид Алига берди. Накл қилишларича, у синглисини эрга берган вақтда тўй зиёфатлари учун овга бориб иккита бугуни отиб келган ва ўшаларнинг гўшtidан тўйга таомлар пиширишган. Тўйнинг бошқа жиҳатлари хақида шунга қараб ҳукм чиқарса бўлади.

У ерларда Увайсхоннинг ишлари юришмади. Кейин у Туркистонга кетди. Ўша пайтларда Туркистон ҳукмдори Амир Шайх Нуриддин ибн амир Сор Буга бўлиб, у Амир Темурнинг машхур саркардаларидан бири эди, Увайсхон ўшанинг қошига борди. Шайх Нуриддин билан Шермухаммадхон ўрталарида ихтилофлар бўлганлиги боис у Увайсхонга қизи Давлат Султон Саганжни берди ва у Шермухаммадхонга қарши ҳаракатлар қилиши шарти билан Увайсхонга мадад кўрсатди.

Увайсхон билан амакиси Шермухаммадхон ўртасида кўпдан бери низолар ҳукм сурардию, кўпинча Шермухаммадхоннинг қўли баланд келарди. Тўқнашувлардан бири мана бундай бўлган эди: Шермухаммадхон Мўғулистоннинг Қизил Қайнаг деган жойида бўлган пайтида, бир куни кечаси, узокдан келиб Увайсхон Шермухаммадхон қароргоҳига ҳужум қилган. Улар тўрт юз киши бўлишган. Шовкин-сурон кўтарилгач, Шермухаммад ўзини зов ичига отган. Увайсхон, Шермухаммадхон қароргоҳини ўраб олиб, йўлида учраган ҳаммани ўлдириб, уни тонг отгунча излаган. Бирок харчанд изламасин, у ердаги одамлардан сўраб-суриштиришмасин, Шермухаммадхоннинг изини топишолмаган. Тонг отгач, отларга миниб жўнаб кетишган. Шермухаммадхон зовдан қиккан, одамлари уни ўраб олишиб, кейин Увайсхонни қувиб кетишган, у зўрга қутулиб кетган. Хулласи қалом, Шермухаммад ўз ажали билан вафот этгунига қадар мана шундай тахликалар барҳам топмади. Шундан кейингина хонлик тахти Увайсхон ибн Шералига насиб этди.

Ўттиз иккинчи фасл. Увайсхон ҳукмронлигининг баёни.

Хонлик навбати Увайсхонга етди. У бехад такводор мусулмон, олийхиммат, ўз уругида баходирликда беназир эди. Мўгулнинг мусулмонларга хужум килишларига хон йўл кўймас эди. Калмок кофирлари якин жойда эди, хон уларга карши мудом уруш олиб борарди. Тез-тез улардан енгилиб турса-да, у адолатли урушни тўхтатолмас, икки марта ўша кофирларга асир хам тушган эди. Дастлаб уни Минглок деган жойдаги жангда асирга олишди. Уни тутиб, саркардалари Эсан Тойшининг олдига олиб боришди. Эсан Тойши ўйлади: «Агар у ростдан хам Чингизхон наслидан бўлса, менга бўйин эгмайди, менга навкардек карайди». Хонни олиб келишганда, Эсан Тойши от устида эди. Отдан тушиб, унинг олдига келди-да, эгилиб таъзим килди, унга кўл узатмади. Эсан Тойши чукур эътикод билан эхтиром кўрсатиб, кўйиб юборди. Хондан, нега Эсан Тойшига кўпол муомала килдингиз, деб сўраганларида, у шундай жавоб берди: «Агар у ёнимга таъзимсиз келса эди, унда мен жонимдан кўркиб, албатта унга бўйин эгган бўлардим, лекин у кофирларнинг кадимги одати бўйича менга бош уриб келди. Шунда ўйладимки, кофирга илтифот килиш ва эгилиш мусулмончиликка тўгри келмайди, шу сабабли унга таъзим бажо келтирмадим». Ўз эътикодига содиклиги боис хон фалокатдан омон колди.

Иккинчи марта хон тагин ўша Эсан Тойши билан Мўгулистон чегарасида жойлашган Пешкиё деган ерда урушди. У ерда хам маглуб бўлди. Хоннинг отини ўк отиб йикитишди, ўзини тутиб олишларига оз колди. Шунда амир Саид Али отдан тушиб, отини хонга берди, ўзи эса ерга юзтубан ётиб олди. Кофирлар уни ўлган деб ўйлаб, атрофида йигила бошлашди. Улар якинлашгач, амир ўрнидан сакраб туриб улардан бирини ушлаб олди. У бу уругнинг обрўли кишиларидан бири бўлиб чикди. Унинг совутидан худди боладек тутди-да, амир ўзига учиб келаётган ўклардан ўша одамни калкон килиб химояланди. Шу алфозда у хон олдида пиёда бораверди. Шу боисдан кофирлар амирга ўк отишолмади. Совутга ўралиб олган одамни ўзига калкон килиб, бир фарсах йўл босди ва Ила дарёсига етишди. Калмокни сувга отиб юбориб, хон отининг жиловидан тутди-да, дарёга тушди. Сув амирнинг кўкрагидан келарди. Бошка одамлар сувга гарк бўлишди, хоннинг оти сузиб кетди. Амир совут кийган хон отининг бошини тутиб, уни дарёдан ўтказди. Ўша куни дарёда кўп одамлар гарк бўлишди.

Накл килишларича, хоннинг иккита амакиваччаси бўлган: бирининг оти Султон Хусайн, иккинчиси – Лукмон Султон. Бири кизил совут кийган, иккинчиси кўк совут кийган. Дарёга тушгач, икковлари хам чўка бошлаган. Амир Саид Али бир кўли билан хон отининг жиловини тутиб, иккинчи кўлини чўкаётганлардан бирини кутказмок умидида узатган, аммо унга кўли етмаган. Сув юзида узок вақт кизил ва кўк ёкалари лип-лип кўриниб турганини хон анча пайтгача айтиб юради. Шу воқеадан кейин Увайсхон амир Саид Алига хар бир хизмати учун бешта соврин берди. Биринчиси – ўзи яёв қолиб, хонга отини бергани. Иккинчиси – калмокни тутиб олгани. Учтинчиси – бир фарсах йўл давомида уни калкондек ушлаб боргани. Тўрттинчиси – совут кийган хонни Ила дарёсидан ўтказиб кўйгани. Бешинчиси – у хонни тутиб турган бўлса-да, икки марта чўкаётганларни кутказишга урингани. Кейинчалик хон шундай деган эди: «Мен амирда шундай катъиятни кўрдимки, агар амакиваччаларимдан бирортаси кўлига илинганида уни хам дарёдан ўтказиб кўярди». У ана шу беш хизмати учун беш кавми унга тортик килди. Бири – туркат, иккинчиси – хибат ширанут; учинчиси – Хўтандаги ўзбек кавми; тўрттинчиси – доруға кавми; бешинчиси – кукуфат кавми. Бу кавмлар бари Хўтандадир.

Султон Увайсхон Турфон якинида Эсан Тойши билан жанг килиб энгилди. Хон асир тушди. Эсан Тойши унга: «Бу гал энди сизни шундок кўйиб юбормайман. Озодлик эвазига менга синглингиз Махтумхонни берасиз», деди. Хон синглисини беришга мажбур бўлди, шу билан уни озод килишди. Айтишларича, хон калмоқларга қарши йигирма бир марта уруш очиб, шундан фақат бир мартасида галаба қилган, қолган жангларнинг барчасида мағлуб бўлган (Аллох яхшироқ билгувчидир).

Мавлоно Хожа Ахмаддан кўп бора эшитганим борки, хон беҳад такводор бўлган. Хар йили у Торим, Луб, Катак деган жойларда ёйилиб юрадиган сахро туялари овига чиқиб, ўзи овлаган туяларнинг юнгини ўзи қирқиб, онаси Султон Хотунга олиб келар экан. Онаси ўз кўли билан юнгни йигириб, кўйлак-иштонлар тўкиб берар ва хон уларни хонлик либоси остидан кийиб юрар экан.

Турфонда сув такчил эди. Хон дехқончилик қилар ва экинларни ўзи қаздирган қудук суви билан сугораркан. Мавлоно Хожа Ахмад шундай нақл қиларди: «Хоннинг жазирама иссиқда хизматкорларга кўшилиб, қудукдан сув тортиб, кўзаларда ташиб экинларга қуйганини кўп бора кўрганмиз. Хосили шу қадар қам бўлардики, ҳеч қачон ҳаммаси йигилиб ўн қопга етмасди. Шу хосил унга йил бўйи озик бўларди».

Увайсхон Мавлоно Мухаммад Косонийнинг муриди бўлган. Мавлоно Мухаммадни эса хазрати Хожа Хасан Аттот (Аллох гўрини мушки анбар хидига тўлдирсин) тарбият қилган эди. Хожа тариқат устун Хожа Баҳоваддин Накшбандий хазратлари (Аллох гўрини нурга тўлдирсин)нинг муриди бўлган. Султон Увайсхон ҳукмдор бўлишига қарамай, умри шарифини мана шундай ўтказган. Мана шу адолатли хон замонида амир Худойдод Маккага сафар қилди. Мўғуллар зикрига кўра, Амир Худойдод олти хонни ўз кўли билан хонлик тахтига ўтказган. Биринчиси – Хизр Хожохон бўлган, у ҳақда юқорида зикр қилинди, кейинчилари Шамъи Жаҳонхон, Накши Жаҳонхон, Мухаммадхон, Шермухаммадхон ва охириги Султон Увайсхон.

Ўттиз учинчи фасл. Амир Худойдоднинг Маккага сафари ва ҳаётининг сўнги кунлари баёни.

Амир Худойдоднинг шонли шажараси ҳақида айтиб ўтдик, бу фаслда эса шарафли умри давомида қечган бошқа воқеалар ва ҳаётининг сўнги лаҳзалари ҳақида сўз юритамиз. Барча мўғуллар амир Худойдоднинг валийлигига шубҳа қилишмайди. У қилган буюқ ишлар, бошқариш тарзи мўғуллар фикрининг тўғрилигини исботлайди. Ишончга сазовор мўғуллардан, ўз отамдан (Аллох гўрини нурафшон қилсин), амакиларимдан (Аллох гуноҳларини мағфират қилсин) эшитган эдимки, Амир Худойдод ўзининг амирлиги муддати давомида йигирма тўрт минг хонадон аҳли унинг хизматида бўлган. Амир 765 (1363-1364) йилдан олдинроқдан бошлаб ҳукмронлик қила бошлаган, Маккага эса 850 (1446-1447) йилгача кетган. У тўксон йил амирлик қилган. Бутун Қошғар, Ёрқанд, Хўтан, Оксув, Бой ва Қусан ихтиёрида бўлган. Шунга қарамасдан, унинг на йилқиси, на отари бўлган, ҳатто гоҳо минишга оти ҳам бўлмаган. Бирор жойга кўчиши керак бўлса, хар гал

унинг якинлари улов олиб келишиб уни кўчириб кўйишган. Юриш пайтларида ҳам шундай бўлган. Барча амирлик ва мамлакат хирожи даромадларини асир мусулмонларни озод қилишга сарфлаган. Ўша пайтларда мўғуллар тинмай Туркистонга, Шош ва Андижонга хужумлар қилиб туришган ва мусулмонларнинг оила аъзоларини, хотинларини асир қилиб олиб кетишган. Амир ўшандай асирларни икки барабар нархга сотиб олиб, уларни йўлга етадиган озик-овкат билан таъминлаб уйларига жўнатган. Бор мол-мулки, асосан, шунга сарф бўлган. Хар сафар у асирлар учун бир неча чодирлар тайёрлаб, кечалари ўша чодирлардан бирининг бурчагидан ўзига жой ажратган ва парда билан тўсиб кўйган, у ерда факат ўтириш ва намоз ўқиш мумкин бўлган, холос. Бутун савобга бой умрини амир шу тахлит ўтказган.

Амир Худойдод хакида жуда кўплаб гаройиб воқеаларни сўзлаб юришади. Шулардан бирини мен Мавлоно Хожа Ахмаддан эшитганман. У шундай деган эди: «Хожа Зоҳид Кошгарий жуда улуг, такводор бўлган. Амир Худойдод мўғулистонлик бир одамни Хожа Зоҳиднинг хотини хузурига Хожа Зоҳиднинг белбогини бериб юборишини сўраб жўнатган. Хотини Хожанинг белбогини бир бегона одам орқали Мўғулистонга бериб юбориб бўлмайди, деб ўйлаб, бошка белбоғни берган. Ўша одам белбоғни амир Худойдодга олиб келганида, у белбоғ билан худди муқаддас нарсадек юзини артган ва шу белбоғ ростдан ҳам Хожа Зоҳидники бўлса, менга бунинг кераги йўқ», деган. Шундай деб, у белбоғни қайтариб юборган. У одам белбоғни қайтариб олиб келиб Хожа Зоҳиднинг хотинига берган. Хожанинг хотини хайрон бўлиб, буни эрига айтган. Шунда Хожа Зоҳид хотинини қойиб: «Амир авлиё одамлар сирасига қиради, нега бундай қилдинг?» деган. Кейин Хожа ўз белбогини келтириб бергач, амир белбоғни кўлига олиб юзига суртган ва: «Ха, ростдан ҳам бу белбоғ Хожаники», деган. Амир хакида шунга ўхшаш гаройиб воқеаларни кўп гапиришади.

Жумладан, мана буни ҳам: муборак ёши тўксон еттига етганда амир хажни хавас қилиб қолган. У Увайсхондан қанча ўтиниб сўрамасин, у жавоб бермаган. Амир яширикча Мирзо Улугбекка одам жўнатиб, шундай деб тайинлаган: «Агар Мирзо келса, мен мўғуллар орасига раҳна солиб, уларни унга топшираман». Мўғуллар кўпдан бери Мирзога зарар етказиб қилишгани боис уларни босиб олишни кўзлаб юрарди, шунинг учун дархол жўнаган. Мўғулистоннинг машхур мавзеларидан Чу чегарасига етганда, амир Худойдод қочиб, Мирзо Улугбекка кўшилган, мўғуллар бўлса хар тарафга тарқалиб кетишган. Амир Мирзо Улугбек қошига келиб дейдики: «Бундай қилганимнинг сабаби шуки, менга хажга боришга рухсат беришмади. Шу ваз билан ёнингизга келдим. Энди бундан нари юришингизга эҳтиёж йўқдир». Мирзо Улугбек ўша ердан амир Худойдод билан бирга орқасига қайтган ва унга хурмат-эҳтиромлар кўрсатган. Улар Самарқандга етиб қилишгач, Мирзо Улугбек амирдан илтимос қилиб: «Хеч ким Чингизхон тузукларини сизчалик билмайди. Уларнинг барчаси хакида гапириб беринг, чунки биз хар ишимизда уларга мухтожлик сезамиз» деди. «Биз Чингизхон тузукларини ярамас ҳисоблаб, улардан тамоман воз кечганмиз ва шариат қонунларига риоя қиламиз. Агар Чингиз тузуклари олимлигига қарамасдан, Мирзога маъқул бўлса, шариатни қўйиб, ўшаларга риоя қилмоқчи бўлса, биз Мирзога ўша тузукларни ўргатамиз» деган амир. Мирзо бу сўзларни эшитиб, хижолат бўлиб қолган ва бу ҳақда бошка сўз очмаган.

Хуллас, амир Маккага кетиб, ўша ёқда вафот этди. Менинг отам (Аллох гўрини нурафшон қилсин) Хуросонга борганида, бу ҳақда иккинчи китобда сўз юритилади, у ерда Султон Хусайн мирзонинг амирларидан бири Султон Али барлос исмли, Султон Хусайн жуда кадрлайдиган бир кекса, юз ёшлардаги кишини учратган. Отам ундан унинг

Ўзи ва ота-боболари хакида сўраганида, у шундай жавоб берган экан: «Отамнинг исми Шох Хусайн барлос бўлган; у мўгул барлосларидан бўлган. У бу ерга Мўгулистондан гоятда хурматли Амир Худойдод деган киши билан келган». У нуроний чол бу гапларни айтгач, отам бунга кизикиб қолиб, ҳамма гапни батафсил гапириб беришини сўраган. У шундай деган: «Амир Худойдод Маккага кетганда мен ёш бола эдим. Отам у кишига хамрох бўлди, негаки доим у кишининг хизматида эди. Рухсат бўлмагани учун биз Мўгулистондан кочиб келган эдик, Маккаи Муаззамнинг зиёратига мушарраф бўлмагунимизча, шахарма-шахар кездик. Маккадан қайтиб, бир неча кун йўл юрганимиздан сўнг амир Мадина хакида сўради. «Мадина бошка томонда колди» деб жавоб бердик. Амир жуда ранжиди ва деди: «Мен шунча йўлдан машаккат тортиб келдим. Энди Хазрат саллолохи алайхи вассалламнинг равзаи муборакларини зиёрат қилмай оркамга қайтмайман». У ўз мулозимларига ортикча юқларини бериб карвонга кўшиб уйга жўнатди, Мўгулистондаги ўгилларига мактуб битиб, ёнига «Аллохнинг каломи» (Куръони Карим) кўлёмасини кўшиб бериб юборди. Шу мукаддас китоб хозир кўлимда, боболаримдан менга мерос колган, уни бизнинг уругимизда Аллох мархамати сифатида тўтиё килишади. Хуллас, амир Худойдод ва унинг хотини Мадинага равона бўлишди. Менинг отам мени ҳам ўзи билан бирга олди ва биз амир билан бирга жўнадик. Узок йўл босиб, ниҳоят Мадинага етиб келдик. Амир Хазрат саллолохи алайхи вассалламнинг равзаи мўътабарларини зиёрат қилишга мушарраф бўлди. Ўша кеча бир камбагал одамнинг хонадонига кўндик. Кечаси амирнинг ахволи ёмон бўлди. У отам Шох Хусайн барлосдан «Ёсин»ни хатм қилишни сўради. Отам «Маслахум» оятига етганда амирнинг нафаси тўхтади. Гаройиб воқеа бўлди, биз хайратда колдик; тонг отгач, Мадинанинг улуглари ва ахолиси йигилиб келиб: «Шу ерда кечаси кимдир вафот этдими?» деб сўрашди. Биз, ха, дедик. Ҳамма келиб биздан кўнгил сўрашди: «Бугун тун бўйи пайгамбаримизни тушимизда кўрдик» дейишди. У айтибдики: «Бугун узокдан бир меҳмон мени зиёрат қилмок учун келиб, шу ерда вафот этди. Уни халифа Усмон разиоллоху анхунинг кабрлари этагига дафн этинглар, деб хассаларининг учи билан чизик тортилар. Эрталаб бориб карасак, хакикатан ҳам ўша ерга чизик тортилган экан». Аллохнинг қандай бахтли бандаси эканки, шундай хурматга сазовор бўлипти. Мадинанинг барча улуглари амирни катта эъзозу эхтиром билан халифа Усмон разиоллоху анху кабрининг оёк томонига дафн этишди. Кейинги кеча амирнинг хотини ўз омонатини топширди. Уни амир ёнига дафн қилишди». Султон Али барлос шу ерга етганда отам жуда хурсанд бўлган. У хурсандчилиги сабабини сўраганида отам: «Ана шу Амир Худойдод менинг бобокалоним бўлган, деб жавоб берган. Султон Али барлос ўрнидан туриб, отамни бағрига босиб, шундай деган: «Мен айтган гапларнинг хаммаси хақиқат. Мўгулистонда амирнинг вафоти хакида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, биз у ердан қайтиб бироз Ироқда яшаб колдик, кейин Хуросонда қолиб кетдик. Ҳеч ким Мўгулистонга бу ҳақда хабар бермаган. Аллохга шуқурки, парвардигори олам амирни қандай шараф билан ярлақганини мен сизга айтиб бердим». Амир Худойдод хакида шунга ўхшаш хикоялар мўгуллар ўртасида огиздан огизга ўтиб юради. Амир Маккага кетгач, Увайсхон амир Худойдоднинг мансабини унинг катта ўгли Мухаммадшоҳга берди.

Ўттиз тўртинчи фасл. Султон Увайсхоннинг шахид кетгани баёни.

Амир Худойдод Маккага кетгач, амир Мухаммадшоҳ падари бузрукворининг ўрнига ўтирганидан сўнг кўп ўтмай Султон Увайсхоннинг ҳам куни битди. Бунинг таърифи шундай: Темур хонларидан Сотукхон исмли одам бўлган. Амир Темур ўрнатган тартибга кўра, хонлардан бирини хонлик тахтига чиқариб, уни шаҳарнинг девор билан ўралган маълум бир ерига жойлаштиришган. Хозир Самарканддаги ўша жой «Хаёти хон» (Хон саройи) деб аталади. Бу жой катта майдонни эгаллаган (бир неча мавзелардан иборат бўлган), ҳар бир мавзенинг ўз номи бўлган. Шулардан бири «Хавзи бўстони хон» («Хон богининг ховузи») бўлиб, Самарканднинг машҳур мавзеларидан бўлган. Кискаси, Амир Темур даврида шу мавзеда Суйурготмишхон истикомат қилган. Амир Темурнинг Ироққа юриши даврида у ҳам бориб, ўша ёқда вафот этган. Ундан сўнг «Хаёти хон»га Султон Махмудхонни кўйишди. Амир Темурнинг барча фармонлари мана шу икки хон томонидан, мана бундай тартибда тузилган: «Суйурготмиш ёрлигидан Амир Темур Кўрагон сўзум». Мирзо Улугбекнинг фармонлари ҳам худди шу тахлит Сотукхон томонидан тузилган. Мирзо Улугбек Сотукхонни «Хаёти хон»дан узоклаштириб, ўрнига бошқани хон қилди ва Сотукхонни Мўғулистонга жўнатиб юборди.

Увайсхон Иссиқкўл яқинидаги Якобулунг деган жойда бўлган. Мен Мавлоно Хожа Аҳмаддан эшитган эдим, у киши шундай деган эди; «Менинг Хожа Абдулқарим исмли амакиваччам бор эди. У Увайсхон билан жуда яқин бўлган, у айтиб берган эдики, бир жума куни, жума намозидан олдин Увайсхон гусл қилган, сочини олдирган, кейин сўраган: «Менинг бу топ-тоза бошим нимага лойиқдир?». У, подшолик тожига лойиқдир, деб жавоб берган. Хон бўлса: «Йўқ, у шаходатга лойиқ» деган. Шу ҳақда гаплашиб туришганда бир одам келиб, Сотукхон келганлигини хабар қилган. Хон дархол ногора чалиб, одамларни тўплашни буюрган, ўзи эса кийинишга ва яроғ-аслаҳаларини тақишга киришган. Атрофдаги тобе кишилари бир зумда тўпланишган ва душманга қарши жўнашган. Ораларида битта ариқ бўлган, лашкарлар бир-бирларига яқинлашишганда хон отда етиб келган ва ариқдан сакраб ўтмоқчи бўлган, аммо отнинг олдинги оёқлари ариқнинг нариги қиргоғига тиралиб қолиб, нарига ўтолмай қолган. Унинг Жақир исмли қайтовул қавмидан бир мулозими бўлиб, у аввал Мухаммадшоҳнинг мулозими бўлган ва ўқни шундай зўр отар эканки, улусда бунга тенг келадигани бўлмаган. Шунинг учун хон уни амир Мухаммадшоҳдан сўраб олган. Хон ариққа йиқилган вақтда Жақир етиб келиб, уни ганим ҳаёл қилиб, хоннинг қорнига ўқ отган. Қорнига ўқ теккач, хон қалқанчасига йиқилган. Жақир хонни таниб қолиб, унга ўзини отган. Бу хабар Сотукхонга етган, у келиб, отдан тушиб, хоннинг бошини қучоғига олган. Илиниб турган жони шу фурсатда узилган.

Мўғул улуси тарқаб кетган, Сотукхонга бўйин эгмаган. Сотукхон Мўғулистонда қололмай, Қошқарга кетган. У ерда амир Худойдоднинг набираларидан бири Қароқул Аҳмад мирзо Сотукхонни ўлдирган. Кўп ўтмай Мирзо Улугбек ўша ёққа кўшин жўнатган. Қароқул Аҳмад мирзони тутиб, Самаркандга олиб кетишган ва икки бўлак қилиб ташлашган. Ўттиз бешинчи фасл. Увайсхон шахид бўлгандан кейин Эрданнинг мағлубияти баёни. Увайсхон шахид бўлгач, мўғуллар тарқаб кетишади. Сотукхон ўлдирилгач, улар бироз хотиржам бўлишади. Увайсхондан Юнусхон ва Эсан Бугахон исмли икки ўғил қолди. Ўшанда каттаси Юнусхон ўн уч ёшда эди. Амирлар ўртасидаги келишмовчилик туфайли

амир Худойдоднинг хурматли одамларидан бўлган Эрзан борин ва Мирак туркман амирлари курол-аслахалари билан Мухаммадшоҳдан кетишди-да, Юнусхонга кўшилиб, фитна кўзгашди. Худди шу тахлит бошка гурух Эсан Бугахонга бирлашди. Амирларнинг кўпчилиги Эсан Бугахон тарафида бўлгани боис Юнусхон тарафидагилар ортик Мўғулистонда коллмадилар. Эрзан борин билан Мирак туркман ўттиз минг уйлик мўғулларга бош бўлиб, Юнусхонни ҳам олиб, Самаркандга кетишди. Эсан Бугахон бошка мўғуллар билан бирга Мўғулистонда колишди.

Ўттиз олтинчи фасл. Юнусхон билан Эрзаннинг Самаркандга, Мирзо Улугбек қошига килган сафарлари баёни.

Мирзо Улугбек Эрзан борин билан Мирак туркманнинг келишаётгани хабарини эшитгач, уларни кутиб олмок учун Самарканддан чикди. У мўғулларни озик-овкат билан таъминлашга ваъда берди ва «Хар бир оила калъага алохида-алохида бўлиб кирсин ва озик-овкат олиш учун рўйхатга ёзилсин» деди. Хар бир мўғул оиласи озик-овкат олиш умидида бошкалардан ажралиб, калъага алохида кирди. Улар бошка дарвозадан чикишганида уларни у ерда бир гурух одамлар кутиб туришарди – оила бошлигини ўлдириб, ахли авлодини асир олишди. Калъага кирган одам у ердан ортик кайтиб чикмади. Мирзо Улугбек шу тахлит ишни тинчитди. Юнусхонни эса кўлга тушганларнинг бешдан бир кисми билан отаси Шохрух мирзо хузурига жўнатди. Уни Шохрух мирзо ёнига келтиришганда, у ўгли Мирзо Улугбекдан хонни бошка асирлардан ажратиб, рисоладагидек муомала килмагани учун ранжиди. Хонга оталарча меҳрибонлик кўрсатиб, уни Мавлоно Шарафиддин Али Яздий кўлига топширди, хон ундан кўплаб билимларни ўрганди. Мавлоно хон шарафига кўплаб шеър, касидалар, унинг исмига муаммолар битдики, мана бу сатрлар ҳам шулар жумласидандир:

Хой «Хитодан хон келди» деб айтган инсон,
Уйинг куйгур, бундай дегин, жон келди, жон!

Бир сўз билан айтганда, Мавлононинг хаётлик пайтида Юнусхон унинг хужрасида ўн икки йилни бирга ўтказди ва ундан беҳисоб билимларни ўрганди. Мавлоно вафот этгач, хон Язддан Ирок, Форс тарафларига сафарга жўнади. Йигирма беш ёшгача хон Мавлоно Шарафиддин Али Яздий хизматида бўлди. Кирк бир ёшида Мўғулистонга подшоҳ бўлди, бу ҳақда хали сўз юритамиз, иншооллоҳ.

Ўттиз еттинчи фасл. Эсан Бугахон ибн Увайсхоннинг хонлик даври баёни.

Эрзан борин билан Мирак туркман Юнусхонни Самаркандга олиб кетишгач, бутун Мўғулистон Эсан Бугахон тарафига ўтди. Барча амирлар унинг хизматида бўлишди. Эсан Бугахоннинг иши маромига етди. Бу ишда амир Саид Али айникса жонбозлик кўрсатди. Хон тахтга ўтиргач, амир Саид Али Кошгарга юриш килишга хондан ижозат сўрайди, чунки, юкорида зикр килинганидек, Хожа Шариф Кошгарий Кошгарни Мирзо Улугбекка топширган ва амир Саид Алининг отаси амир Саид Ахмадни кувиб юборган эди. Мирзо Улугбек Кошгарга амир Султон Малик дўғлатни хоким килиб юборган, ундан сўнг Хожи Мухаммад Шоистани, ундан кейин эса Пирмухаммад барлосни юборган эди. Амир Саид Али Эсан Бугахонга шундай дейди: «Хозир Кошгарга юриш килишимнинг айни пайти. Боболарим пойтахти ўн тўрт йилдан бери кўлдан чиккан эди, энди кайта кўлга киритиш учун тиришаман, агар кадимги мулкимизни кайтиб олмасак, биз бутунлай шарманда бўламиз». Хон бунга рухсат берган.

Ўттиз саккизинчи фасл. Амир Саид Алининг Кошгарга юриши ва Кошгарни олиши баёни. Ўша кунларда Манглай Субенинг катта кисми дўғлатлар тасарруфида бўлиб, Андижон билан Кошгар Самарканд ҳукуматига тобе бўлган.

Иссиккўл худуди хар хил тўкнашувлар окибатида вайрон бўлган эди. Колган худудлар асосан дўғлат амирлари кўлида бўлган. Ўша пайтда Оксув, Кусан ва Бойда амир Саид Алининг амакиваччалари ўтиришарди. Амир Саид Али Оксувга келиб, у ерда ахли аёлини колдирди-да, ўзи Кошгарга жўнади. Бу ҳақда хар хил гап-сўзлар юради. Амир Саид Али Оксувга келганида у ва унинг амакиваччалари Одил Мўмин мирзо ва Саид Мухаммад мирзо ораларида низо чикди. Охир-окибат унинг кўли баланд келди ва кариндошларидан кўпи ўлди. Ушбу воқеа таърифида тескари миш-мишлар ҳам бўлган, биз булар хақида тўхталиб ўтирмаймиз. Бу гап-сўзларнинг мазмуни шуки, кариндошлари устидан кўли баланд келгач, амир Саид Али Кошгарга йўл олди. Унинг хизматида етти минг киши бўлган. Улар Кошгар чегарасига етишганда Хожи Мухаммад Шоиста унга каршилиқ кўрсатиш учун ўттиз минг отлик ва пиёда лашкари билан Кошгардан чиқиб, уч фарсахлик масофадаги Учбарханга келди. Лекин амир Саид Алининг дастлабки хужумидан кейинок улар кочишди. Мўгул чигатойни кувиб етди, чигатой эса, мўгул унга зарба бергани захоти куролини ташлаб, ёрдамга чақирди, шунинг учун жанг «Солой бегим» номини олди, бунинг маъноси: «О, бегим, куролимни ташлаяпман» дегани. «Солой бегим» жанги ўша худуддаги энг машхур, тарихий жанглардан бўлиб колган.

Кошгар ахли, кочоклар калъага бекинишди, амир Саид Али калъа ташкарисида колган хамма нарсани талон-тарож килиб олиб кетди. Янаги йили у бугдой пишиги пайтида тагин келди, ҳеч ким унинг олдига чиқишга журъат этолмади. Хожи Мухаммад Шоиста калъага камалиб олди. Амир Саид Али Кошгар теварагини талаб, Кошгарнинг Алоку деган энг мустахам калъаларидан бирини камал килиб, жанг билан эгаллаб, кўлига илинган хамма нарсани олиб, оркасига кайтиб кетди.

Хожа Шариф Самаркандга Мирзо Улугбек қошига кўмак сўраб борди. У Мирзо Улугбек ёнида бўлган ўша кунларда, бир куни Мирзо ундан: «Кошгарда эшаклар борми?» деб сўради. Хожа Шариф «Кошгарга чигатойлар келганларидан бери улар кўпайиб қолишди» деб жавоб берди.

Хожа Шариф ўтиниб сўрайвергач, Мирзо Улугбек Кошгарга Пирмухаммад барлосни юборди ва Хожи Мухаммад Шоистани Мирзо Улугбек Самаркандга келтирди.

Пирмухаммад барлос Кошгарда пайдо бўлгач, халк унга Пирмухаммад банги деб от кўйди, ундан ҳеч қандай фойда бўлмади. Хожа Шариф чигатойларга ишонмай кўйди. Учинчи йили амир Саид Али яна Кошгарга юриш килди. Кошгар ахлиси Хожа Шарифни икки йилдан бери донимиз кўлдан кетаяпти, агар бу йил ҳам шундай бўлса, Кошгарда қахатчилик бўлади, деб айблашди. Саид Али Кошгарга яқинлашганда шахар халки Пирмухаммад барлоснинг кўлларини боғлаб, амир хузурига олиб келди. Амир Саид Али Пирмухаммаднинг хаётлик либосини ечиб, унга кафан кийдирди. Кейин Кошгарга кириб, хакикат ва адолатни қарор топтирди, халқпарвар бўлиб, зўравонликларга бархам берди. Йигирма тўрт йил у ерда муносиб тарзда хукмронлик килди, ободончиликка катта эътибор берди. Бу ҳақда хозиргача гапиришади. Шу давр мобайнида амир давлат тузумини яхшилаш, дехкончилик, чорвачиликни ривожлантириш хақида гамхўрлик килади. Амир Саид Алидан уч ўғил ва икки киз колди, ўғилларидан бири – Мухаммад Хайдар мирзога, яъни каминанинг бобосига колган мерос бир юз йигирма минг кўйдан иборат бўлган.

Мен машхур савдогар, такводор, адолатпарвар инсон Хожа Фахриддин Ортужийдан эшитганим борки, амир хар йили уч ой қишда овга чиқаркан. Овга фақат жангчиларни жалб қиларкан.

Бошқарувчилари қанча одамни ов пайтида озик-овқат билан таъминлаёлса, у шунча

одамни ўзи билан бирга оларкан. Шу уч ой ичида амир Саид Али хар бир манзилда хар бир кишига етадиган килиб ун, гўшт бераркан. Шундай кунлар хам бўларканки, беш юзтагача кўй ва шунга мувофик пичан ва арпа сарф килинаркан. Баъзи йилларда унинг хизматида уч мингтагача одам банд бўлиб, амир уларнинг хаммасини озик-овкат билан таъминларкан. Лашкари кишлогиди тўхташини манзилгохлар ахолиси Худодан илтижо килиб сўраркан, чунки лашкар шу якин атрофда тўхтаса, ерлик ахолига амир кўплаб егуликларни хайрия киларкан.

Хожа Фахриддиннинг гувоҳлик беришича, бир куни Ортуж деган жойда тўхташибди. Ов бошлиги (мири шикор) бир аёлга ун бериб: «Нон ёпиб бер, сенга олти нондан бирини бераман» деган. Аёл нонни ёпиб келиб, бошликнинг олдига кўйиб, ваъда килинган хакини сўрайди. Шунда ов бошлиги: «Ўтин, туз, ун – хаммаси мендан, нон ёпган хизматингга хак сўрайсанми?» дейди ва ваъда килинган нонни аёлга бермайди. Амир Саид Али отга минаётганида ўша аёл унинг ёнига келиб, воқеани айтиб арз килди. Амир ўша ов бошлигини чакириб, сўраганида, у бу сўзларнинг ростлигини тасдиқлайди. Амир унга: «Нега нонни ўзинг ёпмай, буни бир факир аёлга юкладинг?» дейди. Шу захоти омбир олдириб келиб, тишларини сугуртиради-да, уларни бошига коктиради. Буни баён килишдан мақсад, амирнинг қандай адолат билан ҳукмдорлик килганини кўрсатишдир. Амир Саид Алининг хайрли ишлари ва ўз ҳисобидан қурган масканлари Қошғарда бугунги кунгача сақланиб қолган.

Амир ҳукмронлик килган йигирма тўрт йил мобайнида тагин қатор воқеалар бўлиб ўтдики, булар бақадри имконият, фурсати билан зикр этилажак.

Ўттиз тўққизинчи фасл. Амирларнинг Эсан Бугахонга қаршилик кўрсатганлари ва ўша кунлари бўлиб ўтган воқеалар баёни.

Юнусхон Мовароуннахрга кетгач, бутун мўгул улуси Эсан Бугахонга бўйин эгиб, фармонбардор бўлишди. Шу тарика бир неча йил ўтди.

Балогатга етмаган хон ёшлигига бориб, амирларга беҳурматлик килди. Уйгур қавмидан бўлган турфонлик Темур исмли аллақандай одамни ўзига мулозим килиб, унга хаддан ортик гамхўрликлар кўрсатди. Амирлар Темурнинг юқори мартабага эришиши ва ўзларининг обрўлари пастга урилганидан газабланиб, бир куни йигин пайтида хон ҳузурида Темурни тутиб олиб, бурда-бурда килиб ташлашди ва ўзлари хар ёкка тарқалиб кетишди. Беҳад кўркиб кетган хон хам қочиб кетди.

Бу ҳақдаги хабар Қошғарга – амир Саид Алига етгач, у дархол Мўғулистонга жўнади ва хонни Оққуёшдан топди. Амир Эсан Бугахонни бир қанча кишилари билан Оқсувга олиб келиб, Оқсувни унга берди. Бу орада мўгул амирларидан хар бири ўз иши билан бўлиб кетди. Амир Мухаммадшоҳ Отбошида ўрнашди. Жияни амир Саид Алининг воситачилиги орқасидаги қанчадан-қанча ваъдалари хамда ёзишмалардан сўнг Оқсувга, хон қошига келди ва у ерда умрининг охиригача қолди.

Яна бир амир Қаримберди дўғлат Мўғулистон чегарасида, Андижон ва Фарғона

тарафидаги Олабуга деган мавзеда тепалик устига бир калъа курди, хозиргача ўша калъа излари сакланган. Шу ердан у Андижон мусулмонлари устига юришлар килиб турди.

Амир Хакберди бекчик Иссиккўлдаги Кўйсуйи деган ерда калъа курди. У ахли аёлини калмоқлар зарар етказмасин, деб Иссиккўлдаги оролда колдириб, ўзи Туркистон ва Сайрамни талон-тарож килиш билан машгул бўлди.

Чурас ва борин кавмидан бўлган амирлар калмоқ Эсан Тойшиннинг ўгли Амасанжи Тойши хизматига кетишди.

Калучи, булгачи ва бир катор бошка кавмлардан бўлган амирлар ўзбеклар юртига Абулхайрхон қошига кетишди.

Кунжи ва бошка кавмдаги амирлар Мўғулистон чўлларида изгишиб, бебошликлар килиб юришди. Аммо Эсан Бугахон Оксувда қарор топди, унинг хизматига биринчи бўлиб амир Мухаммадшоҳ келди, кейин барча одамлари тагин унинг ёнига қайтишди. Хон ҳам бўлиб ўтган ишлардан пушаймон бўлиб, одамларига яхши муомала қила бошлади. У куч-қувватга эришгач, илк марта Сайрам, Туркистон ва Тошкандга юриш қилди. У тўсатдан хужум қилиб, бу жойларни тамоман вайрон қилиб қайтди. Бу хужум 855 (1457) йилдан илгари бўлган. Яна бир марта худди шу тахлит ўша жойларга хужум қилди.

Ўша даврда Мовароуннахрда Султон Абусаид мирзо подшоҳ бўлган. У Эсан Бугахонни қувиб, Ёнгигача борди, бу жой тарихий китобларда Тороз дейилади. Мўғуллар жанг қилмай қочишди, Султон Абусаид мирзо ўз вилоятига қайтиб кетди.

Абусаид мирзо Хуросонни эгаллаб, ўша ёкка кетгач, Эсан Бугахон Андижонга жўнади. Ўша пайтда Абусаид мирзо томонидан тайинланган Мирзо Али Кучак Андижон ҳокими этиб тайинланган ва у Андижон қалъасини мустаҳкамлаб олган.

Хоннинг лашқари шу қадар кўп эдики, Андижон қалъасини уч катор ўраб олиб, ҳамма томондан лаҳм қазишди. Улар ташки қалъани эгаллашди. Арқда Мирзо Али Кучак ёлғиз қолди. Охир-оқибат тухфаю тортиқлар қилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлди. Хон Андижоннинг бутун аҳолисини асирга тушириб, ўзи билан олиб кетди. Ўша асирга олинганларнинг авлодлари хозир ҳам Қошғар ва Мўғулистонда истикомат қилишади. Султон Абусаид мирзога бу ҳақда хабар етган пайтда Эсан Бугахонни қайтариш унинг кўлидан келмади, чунки агар Мўғулистонга жўнаганида ҳам Эсан Бугахон Мўғулистоннинг чекка ўлкаларига кетиб қолган ва Самарқанд лашқари у ёқларга боролмаган бўларди. Борди-ю, у ёқларга боролган тақдирида ҳам, Эсан Бугахон ортига қайтганида яна унинг изидан тушар ва бу аҳвол узлуксиз давом этган бўларди. Унга қарши бирор кишини тайинлаб ҳам бўлмасди, Эсан Бугахоннинг қучи ва кўп сонли лашқарига амирликлар бас қилишолмасди.

Шу билан бирга Султон Абусаид мирзонинг Ирокка лашқар тортиш нияти бўлган, аммо Эсан Бугахон туфайли бунга журъат қилолмаган. Кейин у Ирокка киши юбориб, Эсан Бугахоннинг Ирокка бориб қолган ақаси Юнусхонни олиб келтирди. Юнусхон ҳақида аввал ҳам ёзган эдик, хали яна ёзамиз. Уни Эсан Бугахонга қарши жўнатади, икки ака-ука бир-бири билан низолашиб туришса, давлатнинг чегаралари хавфдан холи бўлади, деб ўйлайди.

Хондан ажралиб, ҳар бири ўзи учун қалъа қуриб олган мўғул амирларининг барчаси хонга бўйин эгишмади. Хон ҳам, эҳтимол ўзлари қайтиб қолишар, деган умидда уларга ҳалакит бермади.

Ўша кунлари Абулхайрхон Дашти Қипчокни тўлигича эгаллади. У Жўжи султонларига хужум қилгач, Жонибекхон билан Қирайхонлар ундан қочиб, Мўғулистонга қелишди.

Эсан Бугахон уларни очик юз билан кутиб олиб, Мўгулистоннинг гарбидаги Чу дарёси бўйида жойлашган Кўзибоши деган мавзени берди. Улар у ерда хотиржам истикомат килиб турганларида Абулхайрхон вафот этиб, ўзбеклар улуси пароканда бўлиб кетди, у ерда катта низолар келиб чикиб, кўп одамлар Кирайхон ва Жонибекхонлар ёнига кетишди, уларнинг сони икки юз минг кишига етди, уларни «ўзбек-козоклар» деб атай бошлашди. Козок султонларининг хукмронлиги 870 (1465-1466) йилдан то 940 (1533-1534) йилгача (тагин хам Аллох яхширок билади) давом этган, шу даврда козоклар ўзбеклар худудининг катта кисмини эгаллаб туришган.

Кирайхондан кейин Бурундукхон, ундан кейин Жонибекхоннинг ўгли Косимхон бўлди, у бутун Дашти Кипчокни эгаллади, лашкарининг сони минг-минг, яъни миллион киши бўлган. Жўжихондан кейин бу юртларда ундай кучли хон бўлмаган. Ундан сўнг ўгли Мамошхон, кейин Косимхоннинг жияни Тохирхон хукмронлик килган. Тохирхон даврида козоклар сони камайган. Ундан кейин укаси Бўйдошхон хокимият тепасига келди, аммо Бўйдошхон даврида козоклар сони йигирма мингтага тушиб кетган. 940 (1533-1534) йилдан кейин Бўйлашхон хам вафот этгач, бу ерларда козоклар умуман колмаган. Хуллас, Эсан Бугахон давридан бошлаб Рашидхон давригача мўгуллар ва козоклар ўртасида дўстлик ва иттифоклик хукм сурган, лекин Рашидхон буни бузган. Бу холат Рашидхон хаёти лавхалари ёритилганда (агар Аллох изн берса) тагин эслатилади.

Киркинчи фасл. Юнусхон хукмронлигининг бошланиши баёни.

Султон Абусаид мирзо ибн Султон Мухаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур ўзининг барча амакиваччаларидан голиб келди. Самаркандни Абдулло мирзо Шерозийдан олиб, Хуросонни эса Мирзо Бобур Каландар ибн Бойсунгур мирзо ибн Шохрух мирзо ибн Амир Темурнинг вафотидан сўнг ўзига кўшиб олди. Абусаид мирзо улуг подшоҳ бўлиб, Темурийлар наслида бошка бундай подшоҳ бўлмаган. Хуросонни олгач, унинг олий максоди Ирокни кўлга киритиш бўлиб колди. Юкорида айтиб ўтганимиздек, Эсан Бугахон туфайли Ирокка юриш кила олмайди. Шунда у одам юбориб, Ирокдан Эсан Бугахоннинг акаси Юнусхонни олиб келтиради. Юнусхоннинг Ирокка кетиши сабабини олдин эслатиб ўтдик.

У Юнусхонни Хуросонда Боги Зогонга жойлаштирди ва унинг шарафига шохона зиёфатлар уюштирди. Улар ўртасида бир катор шартномалар, мажбуриятлар кабул килинди. Улардан бири мана будир: Султон Абусаид мирзо Юнусхонга айтадики: «Амир Темурнинг дастлабки юришида амирлар унга керагича итоат килишмаган. Агар у амирларнинг барчасини катл килишни буюрганида эди, бу унинг кучига талофот етказган бўларди. Амирлар унга: «Хон белгилангки, биз унга итоат килайлик» дейишади. Шунда Амир Темур хонликка Суйурготмишхонни тайинлайди, амирлар унга бўйин эгишади. Амир Темур хонни ўз назорати остида тутуди, туркий фармонлар ва тузуклар хон номидан тузилади. Суйурготмишхон вафот этгач, унинг ўрнига Султон Махмудхон тайинланади. Амир Темурдан кейин то Мирзо Улугбеккача шу тартиб сакланади. Бирок

хонда «хон» деган номдан ўзга ҳеч бир имтиёзу ихтиёр йўк эди.. Умрининг охирида у асосан Самаркандда истикомат килди. Энди эса, подшоҳлик навбати менга келгач, менинг мустақиллигим шу даражага етдики, менинг ҳеч қандай хонга эҳтиёжим йўк. Мана ҳозир мен сизни фақирлик либосидан халос қилиб, шохлик либосини қийдирдим, сизни ўз она юртингизга жўнатаяпман. Шартим шуки, сиз ўз ўтмишдошларингизга ва ўтган хоконларга ўхшаб: «Амир Темур ва унинг авлодлари бизнинг навкарларимиздир» деган даъвои қилмайсиз. Агар илгари шундай бўлган бўлса, энди бундай бўлмайди. Мен энди мустақил шохман, бошқалар ўзларини менга навкар деб ҳисоблашади. Бундан буён «дўстлик» деган тушунчадан «тобе» ва «хожа» сўзларини чиқариб ташланг, аввалги хонларга ўхшаб: «Темурий мирзоларга» деб ёзманг, балки дўстона ёзишмаларга риоя қилинг. Бундан кейин авлоддан-авлодга шу тартиб ўтсин». Шу сўзлар асосида улар шартнома тузишди. Юнусхон ҳам бунга жон деб рози бўлди. Шу шартларга қасамёд қилишди. Абусаид мирзо Юнусхонга руҳсат бериб, ўша манзилларда яшаётган барча мўгулларни унга қўшиб жўнатди.

Кирк биринчи фасл. Юнусхон ҳаётининг муфассал баёни.

Бундан олдин Юнусхон фаолиятининг дастлабки даври баёни қисқача келтирилган эди, муфассал баёни бундай: Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожохон ибн Туглук Темурхон. Унинг таваллуд топган санаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлолмадим, аммо вафот этган санаси ва умр кечирган муддатидан келиб чиқиб, уни 819 (1416-1417) йилда тугилган деса бўлади (Аллоҳга яхшироқ маълумдир).

Отаси Увайсхон шахид бўлгач, у хон бўлди, бироқ укаси Эсан Бугохон ва амирлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келди. Эрган борин билан Мирак туркман бир гуруҳ мўгуллар билан бирлашиб, Юнусхонни Самаркандга, Мирзо Улугбек қошига олиб кетишди. Ўшанда хон ўн уч ёшда эди. Мўгуллар ҳозиргача вақтни мана шу воқеага боғлаб ҳисоблашади. Бу воқеа хижрийнинг 832 йили (1428-1429 мелодий) содир бўлган. Мирзо Улугбек хонни зикр қилинган тарзда отаси Шохрух мирзо ҳузурига жўнатди. Шохрух мирзо хонга юқсак мулозаматлар кўрсатиб, уни Мавлоно Шарафиддин Али Яздий қўлига топширди. Мавлоно Шарафиддин Али Яздий машхур олим бўлган, ўша даврда на Самаркандда, на Хуросонда, на Ироқда Мавлонога тенг келадиган олим бўлмаган. Муаммо жанрининг шакли илгари бошқача бўлган, ҳозир одамлар орасида машхур бўлган «Мутаррази муаммо» рисоласини Мавлоно ёзган. Шу илмга бағишланган «Хулали муаммо» асари ҳам уники. «Зафарнома» муаллифи ҳам Мавлонодир. «Қасидаи бурда» асарига битилган, тасаввуф услубида ёзилган шарҳ ҳам тенгсиздир, бундай шарҳни ҳали ҳеч ким ёзмаган. Булардан ташқари, унинг яна қўлаб асарлари борки, уларни санайверсак, тасвир чўзилиб кетади, мақсадимиз – унинг нечоғлик буюк олим бўлганлигини таъкидлашдир.

Хон Мавлоно қошида йигирма йилни ўтказди ва шундай билимларни эгалладики, унғача

хам, ундан кейин хам мўгул хоконлари орасидан бундай инсон чикмади. Мавлоно хазратлари вафот этгач, хон Язддан Форсга, Озарбайжонга, Казвинга борди. Кўп сафарларда бўлиб, касби оркасидан кун кўрди, Шерозда ватан тутиб, у ерда олимларнинг йигинларида иштирок этди, турли касбларни эгаллаш йўлидан борди, шу боис у Шерозда «Уста Юнус» номи билан машхур бўлди. Бу орада Султон Абусаид мирзо Хуросонни эгаллаб, Ирокка юриш килиш режасини тузади, аммо Эсан Бугахоннинг Фаргона, Шош ва Туркистонга хавф солиб турганлиги туфайли Ирок юришини тўхтатиб турди. Шунда Султон Абусаид мирзо Шерозга киши юбориб, Юнусхонни олиб келиб турли шартлар ва келишувлар билан, юкорида айтиб ўтганимиздек, уни Мўгулистонга жўнатди. Ўшанда 860 (1455-1456) йил бўлиб, хоннинг муборак ёши кирк бирда бўлган.

Кирк иккинчи фасл. Юнусхоннинг Мўгулистонга келиши баёни.

Аввал баён килинганидек, Мўгулистонда хар бир амир ўз жойини мустахкамлаб олган эди. Амирларнинг юкорида айтилган норозиликлари ва Темур уйгурни ўлдирганларидан сўнг Эсан Бугахон Оксуга келди. Юнусхон Мўгулистонда пайдо бўлганиданок биринчилардан бўлиб, унга амир Каримберди кўшилди. Ундан сўнг кунжи кавмидан бўлган амирлар, айрим таркок мўгуллар билан бирга хоннинг хизматига киришди. Хон амир Хожи Пир кунжининг кизига уйланди, бу киши ўша пайтда Кунжи хокими бўлган, кизининг исми Эсан Давлат бегим эди. Ундан хоннинг уч кизи бўлган, уларнинг хар бири хакида фурсати билан тўхталамиз. Иссиккўлдаги бекчик амирларидан амир Пир Хакберди ўлиб, ўрнига унинг жияни амир Иброхим хокимлик килаётган бўлиб, у хам келиб хонга кўшилди. Шу билан, хон кўл остидаги одамлар сони анча кўпайди. Бирок, айтиб ўтилганидек, амирлар ўзлари хохлаганларидек яшаб келганлари боис, улар хон олдидаги бурчлари кандай эканлигини билишмаган ва бунга риоя килишмаган, хон эса барча холларда уларни кечирган. Шу тахлит бир неча йил ўтди. Юнусхон Кошгарга йўл олди. Амир Саид Али у пайтда кексайиб колган, хатто от устида ўтиришга хам кучи етмасди. У Эсан Бугахонга Юнусхоннинг Кошгарга келганлиги хакида киши юбориб, ўзи Кошгар калъасига беркиниб олади. Эсан Бугахон ўшанда Юлдузда ёзни ўтказаётганди. Юлдуз Мўгулистоннинг шаркий чегарасида жойлашган. Бу хабар Эсан Бугахонга етгани захоти у кўшин тўплайди – олтмиш минг одам йигилади. Юлдуздан чикиб, ўн бир кундан кейин Кошгарга етиб келди. У билан бирга олти минг киши келди, колганлари хали йўлда эди. Амир Саид Али унга кўшилди ва бирга жанг килишди. Амирнинг хизматида ўттиз минг киши бор эди. Кошгардан Оксуг тарафга уч фарсах йўлда, Хонсолор деган жойда жанг бўлди. Нихоят катта кийинчиликлар билан Эсан Бугахон ва Амир Саид Али галаба килишди. Юнусхон кочди. Хоннинг бутун ахли аёли амир Саид Али кўлига тушди. Ўша пайтда Юнусхон фарзандларининг энг каттаси Мехр Нигорхоним хали амир Пир

Хожининг кизи Эсан Давлат бегимнинг кўлида эмизикли бола бўлган. Амир Саид Али уларни озик-овкат ва улов билан таъминлаб, хурмату эхтиром кўрсатиб, тўхтатмай Юнусхон ортидан жўнатди.

Юнусхон Мўғулистонга кайтиб келганида, ҳамма одамлари ундан кетиб қолишди. Шу билан у Мўғулистонда қолмай, оиласини қолдириб, ўзи Хуросонга, Султон Абусаид мирзо хизматига кетди. Хон шу даражада фақир ахволда бўлганки, хатто Мирзога бирор нарса тортик қилишга ҳам қурби етмаган. Юнусхоннинг Буёнқули исмли содик хизматкори бўлган. Хон унга ялиниб: «Мен сени қулим деб атай ва тортик сифатида Мирзога берай» деди. Буёнқули рози бўлди, хон уни Мирзога хадя қилди.

Юнусхон Мирзога илтимос билан мурожаат қилиб, мўғуллар унга ишонч билдиргунларига қадар яшаб туриши учун бирорта вилоятни бериб туришини сўрайди. Мирзо унга Андижон кентларидан бири Еттиқанд деган жойни бериб ўша ёққа жўнатди. Хон жўнаётганида Буёнқули йиглаган. Мирзо, нега йиглаяпсан, деб сўраганида, у ўз ахволини юқорида тасвир этганимиздек қилиб айтиб берган. Мирзонинг унга раҳми келиб, унга от, яроғ-аслаха беради-да, хонга қўшиб жўнатиб юборади.

Кискаси, хон яна Мўғулистонга кайтиб келди. Тарқалиб кетган одамлари қайтадан унинг атрофига тўпланишди. Бу орада Амир Саид Али Кошгарда вафот этди. Амир Саид Алининг Кошгардаги қабри устидаги сағанада 862 (1457-1458) йил – унинг вафот этган йили ёзиб қўйилган. Амир Саид Али вафот этгач, Юнусхон бир енгиллик хис этди. Бу ҳақда яна тўхталамиз.

Кирк учинчи фасл. Отаси Амир Саид Алининг ўлиmidан кейин Сонсиз мирзонинг Кошгарда ҳукронлик қилиши ва ишларининг поёнига етиши баёни.

Амир Саид Али бандаликни бажо келтирганидан кейин ундан иккита ўғил қолди: улардан каттаси – Сонсиз мирзо, онаси чурас қавми амирларидан бўлган, иккинчиси – Мухаммад Хайдар мирзо, онаси Ўрун Султон хоним, Юнусхоннинг холаси бўлган. Мўғуллар удумига кўра амир Саид Алининг вориси катта ўғли Сонсиз мирзо бўлди. У беҳад довурак ва бағрикенг инсон бўлган. Султон хонимга хурмат-эхтиром ва уқаси Мухаммад Хайдар мирзога меҳр-муҳаббати туфайли у хоним билан Мухаммад Хайдар мирзога Кошгарни ва Янги Хисорни қолдириб, ўзига Ёрқандни пойтахт қилиб олди. Гарчи Мухаммад Хайдар Юнусхон билан Эсан Бугахонга бирдек жиян бўлса-да, аммо амир Саид Али ҳаётлик пайтида унга Эсан Бугахоннинг кизи Давлат Нигор хонимни олиб берган эди. Шу туфайли Мухаммад Хайдар мирзо ёрдам сўраб Эсан Бугахонга мурожаат қилди.

Амир Саид Алининг вафотидан кейин кўп ўтмай Эсан Бугахон ҳам 866 (1461-1462) йилда оламдан ўтди. Хонлик мансаби унинг ўғли Дўст Мухаммадхонга ўтди, бу ҳақда хали кейинроқ сўз боради.

Мухаммад Хайдар мирзо Эсан Бугахонга қув бўлганлиги боис у билан иттифок тузган бўлса, у вафот этгач, ўғли Дўст Мухаммадхон билан иттифок бўлишга интилади, унинг

аксига акаси Сонсиз мирзо эса Юнусхондан мадад сўради. Шу сабабдан Мухаммад Хайдар Кошгардан кочиби, Оксувдаги Дўстмухаммад қошига борди.

Сонсиз мирзо Кошгарни адолатли тарзда бошкарди. У шундай багрикенглик билан ҳукм юргиздики, ўтган замонлар унинг даврига ҳасад қилса арзирди. У амир Саид Алидан кейин етти йил ҳукмронлик қилди. 869 (1464-1465) йилда у вафот этди. Сабаби бундай бўлган: бир куни у шикорда отдан йиқилди ва бешта ўқнинг учи қорнининг пастки қисмига қириб кетди. Бу жароҳат тузалмайдиган ярага айланиб кетиб, унинг ўлимига сабаб бўлди.

Сонсиз мирзо вафот этгач, Кошгар халқи Мухаммад Хайдар мирзони олиб қелишди, Дўст Мухаммадхон мирзо эса Ёркандга борди. У Сонсиз мирзонинг хотини Жамол Оғони ўз никоҳига олди. Сонсиз мирзодан икки ўғил – Мирзо Абобакр ва Умар мирзо, Хон Султон хоним исми бир қиз қолган эди. Сонсиз мирзонинг фарзандларини Дўст Мухаммадхон ўзи билан бирга Оксувга олиб кетди. Уларнинг ҳаёти кейин баён қилинади.

Қирк тўртинчи фасл. Дўст Мухаммадхоннинг ҳукмронлик даври баёни.

Эсан Бугахон ўз ажали билан дунёдан ўтгач, ўрнига ўғли Дўст Мухаммадхон хон бўлди. Ўшанда ўн етти ёшда бўлган. Бу йигитча оқил қишилар тоифасидан бўлмаган, қўп хатти-ҳаракатлари оқилона эмас, бунинг устига мудом маст ҳолатда юрган.

Назм:

Оқиллар, қочинлар, девона маст бўлди!

Унинг қаландарликка майли бўлган. Ўзига, амирларига қаландарона от қўйиб олган бўлиб, ўзини Шамс Абдол деган, шунингдек, мулозимларини ҳам «қалончи Абдол», «қисмадончи Абдол» деб қақирган. Бироқ у беҳад саҳий бўлган, шу даражадаки, одамлар: Назм:

Жиннига подшолик қолди, дейишган.

Бу ҳолат ростдан ҳам жиннилик бўлган. У етти йил ҳукмдор бўлган. Ўз ҳукмронлиги даврида бир марта Ёрканд ва Қошқарга юриш қилган. Қастлаб Ёркандга борган. Сонсиз мирзо вафот этгач, унинг амирлари қалъа дарвозаларини бекитиб олишади. Хон улардан Сонсиз мирзонинг хотинини талаб қилади. Хотинига қўшиб қатта ўғли Абобакр мирзони қақариб беришган. У ортиқ ҳеч нарса талаб қилмай Қошқарга кетган.

Дўст Мухаммадхон Ёркандга кетгач, Қошқар аҳлининг талабига қўра Мухаммад Хайдар мирзони унинг ўзи Қошқарга жўнатди. Хон Қошқарга қелганда Мухаммад Хайдар мирзо уни қутиб олди. Хон мирзони Янги Қисорга юборди-да, ўзи Қошқарга қириб у ерни тор-мор қилиб талаб, Оксувга кетди. Шу сабабли Мухаммад Хайдар мирзо ундан ҳафа бўлиб, Юнусхондан мадад сўради, бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Дўст Мухаммадхон Оксувга кетгач, бирмунча муддатдан сўнг қайтиб қелди, синглиси Қусн Ниғор хонимни Абобакр мирзога никоҳлаб берди. Аммо Абобакр мирзо хоннинг бетайинлигидан ҳавфсираб, Қошқарга ҳурматли амақиси Мухаммад Хайдар мирзо қошига қочиби кетди. Хон унинг орқасидан Қусн Ниғорхонимни жўнатди.

Шу вокеалардан кейин Дўст Мухаммадхон отасининг хотинларидан бирини севиб колди, уламолардан никохга фатво сўради. Хеч ким бу никохга, то у еттита уламони ўлдирмагунича фатво бермади. Охири у энг машхур уламолардан бири хазрати Мавлоно Мухаммад Атторни чакириб, маст холда, кўлида шамшир билан: «Эй мулла, мен ўгай онамга уйланмокчиман. Бу равоми ёки йўкми?» деб сўрайди. Мавлоно: «Сенга раво» деб жавоб берди. Хон шу захотиёк никох ўкитади. Биринчи никох кечасиёк отаси тушига киради, гўё у кора отга миниб келади-да: «Эй бадбахт! Бизнинг мусулмон бўлганимизга юз йил бўлди, энди сен ортга кайтиб, кофир бўлдинг!» дейди ва унинг бикинига ўк тикиб олади, кейин отдан тушиб, козоннинг коракуюсини кўли билан сидириб олиб, унинг юзига суртади. Хон дахшат ичида уйкудан уйгонади-да, килган ишидан пушаймон бўлиб, дархол чикиб, гусл килади. Бикинида санчик пайдо бўлади, эрталаб бунга безгак кўшилади. Одамлар Мавлоно Атторга: «Сен бунга фатво бердинг!» деб зугум кила бошлашади. Хон: «Мавлонога тегманглар, чунки мен бунгача еттита уламони ўлдирган эдим, кейин Мавлонони келтирдим, бу шўрликнинг бошка иложи колмаган эди» дейди. Мавлоно: «Мен фатво бермадим. Факат: «Сенга раво, чунки сен кофирсан!» дедим» дейди. Хуллас, Дўст Мухаммадхонда зотилжам бошланиб, олтинчи куни ўлди. У йигирма тўрт ёшда эди, шундан етти йилида тахтда ўтирган. У 873 (1458-1469) йилда оламдан ўтди. Хожа Шариф Кошгарий бу санани «Хук мурд» – «Тўнгиз ўлди» сўзларидан топибди. Хондан Кебек Султон исмли ўгил колди. Хон ўлгач, одамлар пароканда бўлиб кетишди. Кандайдир одамлар ўглини Турфон ва Чолишга олиб кетишди. Юнусхон Оксуга келди ва барча одамлар унинг тасарруфига киришди.

давоми бор...